

36

(403)

HUQUQ

YURIDIK GAZETA

Sentabr

D.	5	12	19	26	
S.	6	13	20	27	
Ch.	7	14	21	28	
P.	1	8	15	22	29
J.	2	9	16	23	30
Sh.	3	10	27	24	
Y.	4	11	18	25	

2005

Gazeta 1997-yil 27-avgustdan chiqqan boshlagan.

WWW.HUQUQ.UZ. E-mail: Info@huquq.uz

Озод юртга байрамлар ярашади



Бугун ҳаётимизнинг барча жабҳа ва соҳаларида кенг кўламда олиб борилаётган ислохотлар ва эркинлаштириш сиёсатини янада чуқурлаштириш, одамларимизни иш билан тўлиқ таъминлаш, кичик бизнес ва фермерлик ҳаракатига кенг имконият ва ҳуқуқий кафолатлар яратиб бериш ва уларни амалга ошириш, айнан шулар ҳисобидан аҳолининг даромадини, оладиган маошларини, пенсия, нафақа ва стипендияларни кўпайтириш — буларнинг барчаси сўзда эмас, амалда давлатимиз ва жамиятимиз ҳаётида энг долзарб масала бўлиб қолади.

Айниқса, жамиятимизда демократик тамойилларни жорий қилиш, фуқаролик жамияти барпо этиш мақсадида давлат бошқаруви, суд-ҳуқуқ тизимини замон талабларига мувофиқлаштириш, матбуот ва сўз эркинлигини таъминлаш, аввало, инсон ҳуқуқи, инсон манфаатини ҳимоялашга қаратилган ижобий ишларимизни босқичма-босқич, ҳеч шубҳасиз, охирига етказамиз.

Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 14 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги сўздан

RESPUBLIKA BOSH PROKURATURASIDA

УЛУҒ КҮН ШУКУҲИ

Мамлакатимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида мустақиллиқнинг 14 йиллиги энг улуғ, энг азиз байрам сифатида тантана қилинди. Худди шундай тадбир 31 август кўни Республика Бош прокуратурасида ҳам бўлиб ўтди.

Республика Бош прокурорининг ўринбасари Бахтиёр Нурмухамедов йиғилганларни қутлуг сана билан табриклаб, жумладан шундай деди:

— Йиллар ўтган сайин мустақиллиқнинг қадрини чуқурроқ англаб етмоқдамиз. Қисқа давр ичида мамлакатимиз улкан тараққиёт йўлини босиб ўтди. Ҳаётимизнинг барча жабҳаларида ислохотлар изчиллик билан давом эттириляпти. Бу жараёнда прокуратура ходимларининг ҳам муносиб ўрни бор. Шу боис мустақиллиқнинг 14 йиллиги муно-


сабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, жумладан прокуратура ходимларидан бир гуруҳи давлат мукофотлари билан тақдирланганлиги меҳнатимизга берилган юксак баҳодир.

Фурсатдан фойдаланиб, мукофотланган барча ҳамкасбларимизни табриқлайман. Барчангизга ҳуқуқни муҳофаза қилиш, осоишталик ва тинчлик йўлидаги ишларингизда муваффақиятлар тилайман.

Шундан сўнг Республика Бош прокурорининг буйруғи билан меҳнатда ўрнак кўрсатган, хизмат вазифасини виждонан бажараётган прокуратура ходимларининг бир гуруҳига қимматбаҳо совғалар, faxрий ёрлиқлар топширилди.

Худди шундай тадбирлар барча вилоят прокуратураларида ҳам бўлиб ўтди.

BARKAMOL AVLOD ORZUSI



ПРЕЗИДЕНТ СОВҒАЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Ўтган ҳафтада мамлакатимизнинг барча мактабларида биринчи кўнглироқ қилиниб, ўқувчиларни билим даргоҳларига қорлади.

Бу йил республикаимиздаги 9727 та умумтаълим мактаби 6 миллион нафардан ортиқ ўқувчини қабул қилди. Маълумки, ҳукуматимиз томонидан «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умулмиллий дастури» қабул қилинган эди. Ушбу дастурга кўра, мамлакатимизда 53 та замонавий янги мактаблар қурилиб, ўқувчиларга тортиқ қилинди. 284 та мактаб реконструкция қилинди. Замонавий ўқув жохозлари ва ускуналар, техник воситалар билан таъминланди.

Юртбошимиз ташаббуси билан бир неча йилдан буён ҳар йили биринчи синфга борадиган ўқувчилар ўқув қуроллари билан бепул таъминланмоқда. Бу йил ҳам шу анъанага мувофиқ биринчи синфга борган 522.886 нафар ўғил-қизларнинг ҳар бирига Президентимиз номидан 12 номдаги чиройли ва бежирим ўқув қуроллари жойланган мактаб сумкалари бепул ҳадя қилинди.

Бугунги ёшлар эртанги кунимиз эгалари, хайрли ишларимизнинг давомчиларидир. Шундай экан, ёш авлодга кўрсатилаётган бу катта ғамхўрлик эртага ўз меvasини бериши шубҳасиз.

ХАВАР

ҲАМКОРЛИҚДА ГАП КЎП

Андижон вилоят прокуратураси «2005 йил ҳосили пахта хом ашёсини ўз вақтида йиғиб-териб олишга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги Президент қарори ижроси юзасидан пахтанинг талон-тарож қилиниши ва четга нокоруний олиб чиқиб кети-лишига йўл қўямаслик бўйича

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органлар билан ҳамкор-ликда иш олиб бормоқда.

Мазкур масала юзасидан Марҳамат туманида ширкат, фермер хўжаликлари, маҳал-ла фуқаролар йиғинлари бош-лиқлари иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди.

Вилоят прокуратураси,

МХХ вилоят бошқармаси раҳ-барлари, боғхона, чегара хиз-мати масъул ходимлари қат-нашган тадбирда ҳамкорлик-даги вазифалар белгилаб олинди.

Б.ОТАЖОНОВ,

Андижон вилоят прокуратурасининг бўлим бошлиғи

СВОЖҚҚ ДЕПАРТАМЕНТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент туманида яшовчи фуқаро А.Карабаев бошқарувидаги «Москвич» автомашинаси тўхтатиб текширилганда унинг саломида фуқаро Юлдуз Дадахоновага тегишли божхона назоратини четлаб олиб ўтилган 5 млн. 297,3 минг сўмлик дори-дармон воситалари мавжудлиги аниқланган.

«Қўнмаш» ОТАЖнинг металл омбори мудир Азамжон Раҳимов моддий жавобгарлигида бўлган 25 млн. 405,5 минг сўмлик 39039 кг. металл листларини хужжатларини сохталаштириш йўли билан талон-тарож қилганлиги аниқланган.

Сайхунбод туман «Суд ижроичилари бўлинимаси» ҳамда «Пахтабанк»нинг туман бўлими мансабдорлари банк мижози бўлган «Саховат-1» МЧЖнинг розилигисиз 1 млн. сўмини ноқонуний равишда «Ўзбегим зийнати» ХФ ҳисоб рақамига ўтказиб, жамият манфаатига зарар етказганлиги аниқланган.

«Газалкент тошга ишлов бериш комбинати» ОТЎХ мансабдорлари 95,49 кв/м гранитни фуқаро А.Шернаевга 1400 АҚШ доллари ва 1 млн. 302 минг сўмга сотиб, ушбу пуллари жамият кассасига кирим қилмаганлиги аниқланган.

«Ambassador Triniti» МЧЖ раҳбари Шухрат Аҳмедов «SEVID-TURE» МЧЖдан 5 млн. 240 минг сўмга сотиб олган 5 та элементдан иборат бўлган ускуналарни жамият балансида кирим қилиб, мансаб сохтакорлиги йўли билан Эрон «Содерот» шўба банкнинг Тошкент шаҳар филиалидан 90.000 евро кредит олиш мақсадида ушбу ускуналарни 158 млн. 15 минг сўм қўриб қўриб, гаровга қўйганлиги аниқланган. Текширишда Ш.Аҳмедов ушбу кредитга махсулотлар сотиб олиш учун 2004 йил 9 февралдаги шартнома асосида Москва шаҳридаги «Центр Бизнес Ком Альянс» МЧЖнинг «Контраст Банк» тижорат банкидаги ҳисоб рақамига ўтказиб берган бўлса-да, «Центр Бизнес Ком Альянс» МЧЖдан ҳеч қандай махсулот олмасдан, юборилган пуллarning қайтарилиши чораларини кўрмаганлиги ва кредитнинг асосий қисми бўйича 90.000 евро ва 3002,03 евро фойз тўловларини тўламай, «Содерот» шўба банкнинг Тошкент шаҳар филиалига зарар етказганлиги аниқланган.

«Пахтабанк»нинг Каттақўрғон шаҳар бўлими иқтисодий бўлими бошлиғи Бектош Иркаев ва кредит бўлимининг 2-даражали мутатхассиси Отамурад Самандаровлар ўзаро тил бириктириб, 600 АҚШ доллари миқдори фуқаро К.Максимга 681 минг сўмга сотганлиги аниқланган. Шунингдек, Б.Иркаевнинг ёнида сотиш учун мўлжалланган 300 АҚШ доллари ҳамда О.Самандаровнинг ёнида 1900 АҚШ доллари мавжудлиги аниқланиб, далилий ашё сифатида олинган.

Юқоридаги барча ҳолатлар юзасидан ЖКнинг тегишли моддалари бўйича жиноят иши қўзғатилган.

FAOLIYATGA NAZAR

«**Ҳурматли Рашитжон Ҳамидович!**

Сизга ушбу мактубни йўллашимнинг сабаби туманимиздаги С.Қаландаров номли ширкат ҳўжалиги фермер ҳўжаликларига айлантиришди. Биз ҳам ҳўжаликдан ер олиб, мулкдор бўлмоқчи эдик. Бироқ маҳаллий раҳбарлар яхши ишга қаршилиқ қилишди. Иложимиз қалмагач, вилоят прокуратурасига ёрдам сўраб бордик, — деб ёзади 94 ёшли хоразмлик Жуманиёз Шерматов. — Вилоят прокуратурасининг бўлим бошлиғи К.Нурметов ва бўлим прокурори С.Сапарбоевлар аризамизни ўрашиб чиқиб, ишимизни ижобий ҳал қилиб берди. 1,8 гектар боғ набирам Раҳимбой Абдуллаев номига расмийлаштириб берилди. Биз ҳам мулкдор бўлдик. Оиламизга ер берилишида ёрдам берган прокуратура ходимларига миннатдорчилик билдираман».

Хар куни Республика Бош прокуратураси раҳбарияти номига бундай миннатдорчилик мактублари кўпалаб келади.

Албатта, адолатни тиклашнинг ўзи бўлмайди. Кейинги пайтларда «Ҳў олган эдим, алданиб қолдим», «Фалончи фарзандимни ўқишга киритаман деб пул олган эди. Иш ҳал бўлмади. Пулни ҳам қайтиб ололмаяман» деган мазмундаги аризалар кўпаймоқда. Айрим содда фуқаролар фирмалардан чангалига тушиб, пулларида айрилиб қолмоқда. Сўнг иложисизликдан прокуратурага мурожаат қилишга мажбур бўлишяпти.

«Қўзим Насиба Шукурова бир фирманинг чангалига тушиб қолди, — деб ёзади Каттақўрғон шаҳри-

нинг Ермачит кўчасида яшовчи Раҳмонқул Халилов. — У «ўғлингни ўқишга киритаман» деб анча пулни олиб қайтиб бермади. Охири Республика ҳарбий прокуратурасига мурожаат қилдик. Аризамизни катта терговчи Элнур Махсумов ўрганиб чиқиб, пулни ундириб берди.

Вазифасини сидқидилдан бажарётган терговчига чин дилдан миннатдорчилик билдираман».

Шунга ўхшаш ишдан ноҳақ бўшатишдан фуқаролардан ҳам шикоятлар келаяпти. Жойлардаги прокуратура органлари бундай аризаларни қонуний ҳал қилиш учун барча чораларни

кўрмоқда.

«1984 йилдан Деҳқонбод тумани маданият ишлари бўлими мудирлиги вазифасида ишлаб келётган эдим. Менинг розилигимсиз 2005 йил 28 мартда Қашқадарё вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси бошлигининг буйруғи билан вазифамдан озод қилиндим, — деб ёзади Эшқувват Қиличев. — Фуқаролик ишлари бўйича Қарши туманлараро суди ҳам менга қарши ақрим чиқарди. Шундан сўнг вилоят прокурори номига ариза ёздим. Вилоят прокуратураси Қарши

мамлакат прокуратура органларига келиб тушган мурожаатлар сони 2005 йилнинг биринчи ярмида 41.614 тани ташкил этган. Мурожаатларнинг 18.902 таси ёки 45 фоизи бевосита прокуратурада ҳал этилиб, мурожаатлар қаноатлантирилган. Аризаларнинг 17.838 таси тегишли ташкилотларга юборилган, 2814 таси эса тергов қилинаётган жиноят ишларига қўшилган. Прокуратура органларига келиб тушган мурожаатлардан 23.613 таси ҳал этиш учун қўйи прокуратура-ларга юборилган. Прокурор-тергов

ходимлари 8045 марта меҳнат жамоаларида фуқаролар билан мурожаатлар юзасидан юзма-юз мулоқот уюштирган. Мурожаатларни ҳал этишда йўл қўйилган жиддий қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан 12 та жиноят иш қўзғатилиб, 1 млн. сўмлик моддий зарарларнинг истиёрти тўла-ниши таъминланган.

Ёрдам сўраб келган ҳар бир фуқаро учун прокуратуранинг эшиклари очик. Адолат истаб келган ҳар бир юртдошимизнинг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилиш зиммасидаги шарафли вазифадир.

Шухрат КАҲҚОРОВ,
Республика Бош
прокуратураси бўлим прокурори

FARMON VA IJRO

Мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш, тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш ва ҳуқуқий ҳимоя қилишга алоҳида эътибор берилётгани эртанги кунимизнинг фаровон бўлишига хизмат қилиши шубҳасиз.

Вилоят прокуратура органлари томонидан тадбиркорлик субъектлари манфаатларини ҳимоялашнинг турли таъсирчан чоралари ишлаб чиқилиб, қонуний ҳимоя қилиниши қўзғатилди.

Афсуски, айрим шаҳар ва туман ҳокимликлари ҳўзурдаги тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекцияларида ишловчи баъзи мутасаддилар таъма-гирлик оdatидан воз кеча ололмашяпти. Шунингдек, тадбиркорлик фаолиятига тўсқин ясаш ҳолатлари банк ходимлари орасида ҳам учраб турибди. Шу йилнинг ўтган даврида вилоят прокуратура органлари томонидан тадбиркорлик субъектларининг қонуний ҳуқуқлари бузилганлиги ҳолатлари бўйича айнан банк ходим-ларига нисбатан 4 та жиноят иши қўзғатилди.

Кармана туманидаги «Дилмурод Тошев ўғли» фермер ҳўжалиги раҳ-бар Д.Тўйчибоев билан «Тадбир-корбанк»нинг Навоий вилоят бош-қармаси ўртасида тузилган шартно-

ма асоси-да ҳўжа-лик ка-ши й о н куриш учун 4 млн. сўм кредит ажра-тилган эди. Банкнинг бош ҳисобчиси У.Жўраев мазкур кредитнинг 3.680.000 сўмини сохта ҳўжатлар асосида қариндоши М.Жўраевга тегишли «Со-ғлом авлод» хўсусий ишлаб чиқариш фирмасига, 320.000 сўмини Х.Тўра-евга тегишли «Мўруват тонги» фер-мер ҳўжалигига ноқонуний равишда ўтказиб юборди.

«Миллий банк» Уқудуқ филиали мансабдорлари «Айриш» хўсусий кичик корхонасининг ҳисоб рақами-дан 22.105.000 сўмини бошқарув ҳисоб рақамига кўчириб, талон-тарож қилишган.

Хар иккала ҳолат бўйича жиноят иши қўзғатилган.

Вилоят прокуратура органларининг тадбиркорлар ҳўқуқлари ҳимоясига қаратилган прокурор назорати ҳўж-

ТАДБИРКОРЛИК МАДАД БЎЛАЙЛИК

жатлари 327 тани ташкил этади. Шу йилнинг ўтган даврида назорат орган-лари фаолиятини мувофиқлашти-риш бўйича махсус ваколатли орган томонидан вилоят прокуратура органларининг текшириш ўтказиш учун рухсат берилган 54 та ҳўжалик юритувчи субъектлардан 25 таси ре-жадан чиқарилди. Судларга тадбир-корлик субъектларининг манфаат-ларига етказилган 50.679.000 сўмлик зарарни ундириш ҳақида 6 та даъво аризаси киритилди. 50 нафар ман-сабдор шахс интизомий, маъмурий ва моддий жавобгарликка тортилди.

Мамлакатимиз ички ва ташқи салохиятини янада ошириш ҳақида изланар эканмиз, бу борада муҳим ўрин тутувчи заҳматқаш ва танги деҳқонлар, тадбиркорлар меҳнати-ни ҳолисона баҳолашни ўрганайлик.

Облоқул АЗИМОВ,
Навоий вилоят прокурорининг
биринчи ўринбосари

ПРОКУРОР ПРОТЕСТИ БИЛАН

Ўз уйига бегона

2004 йилнинг 5 февралда А.Бў-риев уйни С.Мўминовга нотариал тартибда расмийлаштириб сотиб юборгач, ўз ҳаракатини асослан-тириш мақсадида 18 февралда фуқаролик ишлари бўйича Навоий ту-манлараро судига мурожаат қилиб, ўғли ва келини гарчи рўйхатдан ўтган бўлса-да, бу уйда бир кун ҳам тур-май Россияга кўчиб кетганини қўрсат-тиб, уларни турак-жойдан фойдала-ниш ҳўқуқини йўқотган деб топишни сўрайди.

Суд ишни қўриб чиқиб, даъво-ни қаноатлантиради. Бу ҳақдаги қарор кассация инстанцияси судининг ақ-рими билан ўзгартирилмас қолдири-лади. Ишнинг бундай кенгашидан но-рози бўлган Аскар Бўриев прокура-турага мурожаат қилади. Прокура-тура ишни қўриб чиқиш чоғида низо-нинг ҳақиқий ҳолатларига ҳолисона

ва ҳар то-монлама ён-дошилмага-нини аниқ-лаб, қону-н-га мувофиқ бўлган суд қарорларига нисба-тан протест келтиришни лозим деб то-пди.

Низоли уй Амрулло ва Аскар Бўри-евларга тегишли умумий уй-жой бўлиб, 1993 йили Аскар Бўриевнинг розилиги билан Амрулло Бўри-евнинг номига хўсусийлаштирилган. Бироқ, орадан йиллар ўтиб, Аскар оғир касалликка чалинганлиги са-бабли 2003 йилнинг сентябрида Москва шаҳрига даволинишга бо-риб, у ерда бироз қолганига тўғри келади. Имкониятдан фойдаланган ота эса уйни сотиб юборди.

Уй-жой кодексининг 52-моддаси

ўғли Аскар Бўриевнинг розилигини олмасдан туриб, унинг уйини сотиб юборганлиги сабаб бўлган. А.Бўриевнинг бу иш-ни унинг қонунари яхши билимаслиги билан изохлаш му-мкин-дир. Лекин нотариал идора ходимлари ва суднинг ушбу ҳолатга йўл қўйиб берганлиги қалати.

Ҳар қандай ёлгон эртани-кечми, барибир фош бўлади. Навоийлик Амру-лло Бўриев бун-и ўз бошидан ўтказди. Аслида бунга у ўз қўли билан қўлини қўйган. Унинг уйини сотиб юборганлиги сабаб бўлган. А.Бўриевнинг бу иш-ни унинг қонунари яхши билимаслиги билан изохлаш му-мкин-дир. Лекин нотариал идора ходимлари ва суднинг ушбу ҳолатга йўл қўйиб берганлиги қалати.

2-қисми 5-бандида фуқаролар даво-ланиш учун тиббий маъсасаларга қўнаб кетганида ушбу турак-жой улар даволанишда бўлган бутун давр мобайнида сақланиб туриши қайд этилган.

Шу нарса суднинг эътиборидан четда қолган. Бундан ташқари, би-ринчи босқич суди жавобгарлар — Аскар Бўриев оиласи билан 2003 йилнинг ноябр ойида қарор қилган хонадонда яшаб, коммунал тўло-варни тўлаб келгани ва ақсина, даъ-вогар Амрулло Бўриевнинг ушбу хо-надонда яшаш-яшамаслигини тек-ширмаган. Бу ҳолатни ишдаги асо-

ПРОКУРАТУРА YORDAM BERDI

«БИЗГА СУВ КЕРАК»

Пахтачи туманидаги «Хамро қизи Саидабичи» фермер ҳўжалиги раис-си Фарход Самадов ҳўжалик пахта-зорларини қўздан кеҳиранган, 8 гектарлик пахтазор сувираб, ғўзалар лоҳас ҳолатга тушётганини пайкади. Теъдда сувичаларни туғни сугоришни ташкил этиш учун дала-га жўнатди. Эрталаб келса, ариқ-лар қашқаланганча ётибди. Дикқати ошиб, ариқ ёқалаб жўнади. Кетмон қўтариб юрган сувичалар эса гидро-техник А.Назаров уларга сув ажрати-лиш турли баҳоналар билан пай-салга солаётганини айтишди. Нега сув беришмас экан? Катта ариқда шовуллаб оқиб ётибди-ку. Қолавер-са, «Пахтачигўзасу» сувдан фой-даланувчилар уюшмаси билан сув билан таъминлаш бўйича шартно-ма тузилган бўлса.

Фарходжон аввал гидротехник А.Назаровга, кейин уюшма раиси А.Аллаёровга бориб ялинишга туш-ди. Караса, улардан ҳеч фойда йўқ.

Охири туман прокуратурасига йўл олди. Прокуратура аралашган, масала ҳал бўлди.

Текшириш ақуналарига қўра, ўз вазифасига масъулиятсизлик билан қараган «Пахтачигўзасу» сув-дан фойдаланувчилар уюшмаси раиси А.Аллаёров келгусида қонун бузилишига йўл қўймаслик хўсу-сида оғохлантирилиб, уюшма гидро-техники А.Назаровга нисба-тан ин-тизомий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилди.

Фахриддин БАҲРОМОВ,
Пахтачи туман прокурорининг
ёрдамчиси

сий далил деб ҳисоблаган суд, жа-вобларнинг мазкур хонадонда яшамаслиги ҳақидаги далолатно-мага имзо қўйган У.Абдуллаевни гувоҳ тариқасида сўроқ қилмай, ФПКнинг 69-71-моддалари тала-бини бузган. Ваҳоланки, жавобгар Аскар Бўриев ҳозирги пайтда ҳам мазкур хонадонда рўйхатда туради.

Жавобгар А.Бўриевнинг уй-жой-га нисба-тан ҳўқуқи Бош прокурату-ранинг назорат тартибидеа протести асосида Олий суднинг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати то-монидан тикланишига эришилди.

М.ТўРАЕВ,
Республика Бош
прокуратураси бўлим прокурори



Ҳамиша
халқ билан миз

*
 Турли шароитларда халқ билан баҳам-
 жиҳат меҳнат қилишимизга тўғри
 келган. Ҳар жабҳада уларни қўллаб,
 турмуш
 анмиз шароитларини
 яхшилаш
 борасида
 доимо изланишдамиз.

Шу йўналишда иш олиб бориб кам бўлмадим. Дала шийпонлари, тиббиёт муассасалари, маиший хизмат уйлари, мактаб ва маҳаллалар қурдириб, халқ хизматиغا топшириб қўйибмиз. Сув, газ, электр бўйича муаммолар бартараф этилди.

Пахта, ғалла, полиз ва бошқа давлат режаларини ҳар йили вилоятда биринчилардан бўлиб уддалашга ўрганганмиз. Бундан жамоамиз аъзолари ҳам манфаатдор бўлмоқда.

Ҳукуматимиз ардоғи билан «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвонига сазовор бўлишимни ҳаёлимга ҳам келтирмаган эдим. Асосий қаҳрамон мен эмас — меҳнатимни кўзга кўрсатган шу заҳматкаш халқим. Шу боисдан мен уларни доимо қадрлайман. Уларнинг оғир-енгил кунларига ярасам ўзимдан рози бўламан.

Мехнатнинг, инсон шаъни-шухратини қадр топиши истиклол туфайли деб биламан. Уни асраб-авайлаш, келажак авлодларга озод ва обод Ватан қолдириш ҳар биримизнинг ватанпарварлик бурчимиздир. Ниятим, осмонимиз доимо мусоффо, дастурхонларимиз тўкин бўлсин!

Аваз ЭҒАШЕВ,
Жомбой туман Хўжам Низоматов номли ширкат хўжалиги раиси,
Ўзбекистон



жавобгарлик ҳисси мужассам бўлмаси шарт. Тарбия концепциясида инсонда, айниқса ёшлар онгига жавобгарлик ҳиссини тарбиялаш масаласи энг юқори ўринга қўйилди. Бир мисол: толдан беш-олти йиллар муқаддам педагогика соҳасидagi бир олимнинг ватанпарварлик тарбияси-га бағишланган илмий-методик таълиқидининг лойиҳаси билан танганидм. Узаро фикр алмашганимиздан сўнг олим дўстим менинг мулоҳазаларимни тўғри қабул қилди. Чинданга ватанпарварлик тугйуси меҳнат тарбиясининг ҳусулсидир. Тўғри Тарбия учун жонини фидо қиламан мазмунидаги турли чакирликлар ҳам керак-дир, аммо бой-бадавлат, тўқ, осо-йишта, обод ва озод юртда яшамис миз учун танлаган касбимиз даража-

Биз ўртамиёна ёки қолоқ давлат бўлиб қолиш учун мустақилликка эришганимиз йўқ. Келажаги буюқ, озода ва обод ватанда эркин ва фаровон яшамиз учун миллий маҳдудликдан устун бўлмоғимиз, турли соҳага қарашлар, уйдирмалару диний-экстремistik шiorларга уммаслигимиз керак. Яъни «шариат асосларида турмуш тарзимизни қайта қуриш» деган пароллар билан «қайта қуриш» мақсудини қўйиш, диний эътиқод билан сиёсатни қалқаштирмаслик лозим.

Истиқлол биздан эркин тафаккур, айни пайтда масъулият ва қатъият, виждон эркинлигига асосланган эътиқодга эришишимизни талаб этади. Зотан диний эътиқод ҳусусий ишмиз, истиқлолни авайлаш, уни мустаҳкамлаш, юртимизни гуллаб яшнаган диёрга айлантириш ҳамманинг умумий ишидир.

Абдурайим ЭРКАЕВ,
файласуф олим

ТЕРРОРИЗМ БИЛАН МУРОСА ҚИЛИБ БЎЛМАЙДИ

Букингемия шу вақтга қадар терроризмдан қафо кўлмаган, нисбатан осуда ҳудуд ҳисобла-
ни келинаётган эди. Лекин бу бурон олдидан
қўйладиган сукунатдан булак нарса эмаслиги айни
қўли қолди. Террор замон, макон ва миллат
анамаслиги яна бир бор ўз исботини топди.
Қизиги шундаки, ҳудуди шу мамлакат ўз ҳудудидан
Ҳизбут-таҳрир ва яна бир қанча диний-экстрем-
истик ташкилотларга бошпана бериб келмоқда.
Ушбу эса ўз чангалида чаён қапламоқдан ўзга нарса
эмас.

Лондоннинг энг гавжум жойларида уюштирилган портлашларни «Ал-Қоида» диний-экстремистик оқимининг Буюкбританияда фаолият олиб бораётган гuruhларидан бири ўз зиммасига олди.

Андижонда рўй берган воқеалар ҳам ҳеч бимизнинг эдиҳизидан кўтарилган эмас. Буюм, ботиқ, ботиқларнинг айрим сўсатдонлари ОАВ орқали Андижондаги кучрезликларни тич аҳолининг порозилик намойиши сифатида баҳоланган эдилар. Хўш, энди кимларнингдир ногораси уйнов-бу сўсатдонлар Лондондаги портлашлар ва трактордорлар, ўз яқинларидан айрилганларнинг фиғол-фиғолларини нима деб баҳоласин, баҳоларини баҳоласин.

Огохлик — ҳар биримизнинг ҳар кунги ишимиз, ҳар қандайдарида қарор! Биз буни қуруқ шиор сифатида қабул қилганимиз керак эмас. Терроризмни ҳар қандайдарида билишимизга дахлдор балоий офат деб билишимиз керак.

Эшкүвват ШАЙДУЛЛАЕВ,
журналист,
Күмкүрҗон тумани

Соёбки совет итфоқидо мисон ҳуқуқ ва эркинликни қўллаб-қувватлашнинг кўрсаткичи бўлишига эришилди. Ўзбекистонда демократиянинг янада тараққиётини таъминлаш мақсади билан мамлакатимиздаги ҳаётнинг барча соҳаларида ислохлар амалга оширилди. Ўзбекистонда демократиянинг янада тараққиётини таъминлаш мақсади билан мамлакатимиздаги ҳаётнинг барча соҳаларида ислохлар амалга оширилди.

Диний экстремизм ва терроризмнинг чет эллардаги раҳнамолари Ўзбекистонда ўтиш даври вазиятидан фойдаланиб, ҳокимиятни қўлга киритиш ва халифалик давлатини қуришни ният қилишган эди. Бў йўлда улар таърибасиз, диний илмга эга бўлмаган ёшлардан фойдаланмоқчи бўлишган. Мазкур ҳаракатлар Ўзбекистон ҳукумати, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари ва жамоатчилик томонидан ўз вақтида фтош этилиб, партиянинг раҳбарлари ва энг фвол аъзоларига нисбатан суд томонидан қонунда қўрсатилган жазо чоралари қўлланган.

Айни пайтда ҳукукий-демократик давлат қуриш, халқнинг тинчлиги ва озолиштирилиши таъминлаш, жамият аъзолари ўртасида диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик фоядага қилишни олдини олиш борисиди.

Қабул қилинган қонунчилик билан маърифат билан курашиш шиори остида маданий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда.

Диний муносабатларни тартибга солиш борасида қўрилган чоралар натижасида виждон эркинлиги ва диний таъкилотлар тўғрисидаги қонунлар таъминлаштирилди. Шунга қарамай ислом динига ҳеч қандай алоқаси бўлмаган, асил нияти ҳокимиятнинг қўлга олиш

дин ҳимоячилари сифатида кўрсатишга ҳаракат қилиб, бузғунчилик фаолиятини давом эттирганлар.

Террорчилик ташиқотларининг фаолияти учун кулай маконга айланган Афғонистондаги фуқаролик уруши 22 йилдан зиёд давом этиб, афғон халқига беҳисоб талофат етказди, мамлакатни дунё маданиятидан ажратиб қўйди. Буюк тарих ва тенги йўш обидалар мамлакатни ярим вайронга, серуном тупроқлари эса халқаро терроризм учун хизмат қилувчи оғу плантациясига айлантирилган.

Жаҳондаги тинчликсевар кўлар диний экстремизм ва терроризмга қарши кенг қўлмада талқин ва таълим қилиш қарши рақибларни амалга ошираётган. Бир вақтда, «Хизбут-таҳрир» партияси раҳнамолари мақсадда эришишини тинч йўлдан бораётгани, дунёда содир бўлаётган террорчилик харакатларида иштирок этмаётганини таъкидлаётган бўлса-да, қўллаб-мамлукатларда тарқатилётган ҳамда уларнинг юзисини ас эътировчи минглаб қўлланма ва варақаларда халифаликни тиклаш, бунга кул ишлатиш йўли билан эришиш ҳақидаги даъватларнинг мавжудлиги партиянинг расмий баёноти билан амалий ишлари ўртасида жиддий фарқ борлигини кўрсатмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон фуқароси Н.

партиянинг бошқа аъзолари билан жинсий тил бириктириб, мамлакатимиздаги конституцийвий тузумни ағдариб ташлаб, унинг ўрнига ислом давлатини қуриш ва шариат қонунларини жорий этишга

дават қилиш мақсадида Тошкент шаҳри ва вилояти ҳудудида байроқчиний жамоатлари ташкил этиб, бир гуруҳ фуқароларга яширинча диний таълим бериш билан шугулланиб келган. Терговдан яширинчилиги учун унвон нисбатан қидирув эълон қилинган. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз Президентини Ўзбекистон ва қўшни давлатлар ҳудудидаги террорчи гуруҳлар тарқибига адашиб кириб қолган, ортага қайтиб тинч ҳаёт кечиришни нигоҳ қилган фуқароларимизга қўйилган таъқиқнинг 2000 йил 6 сентябрда террорчи гуруҳлар тарқибига адашиб кириб қолган Ўзбекистон фуқароларини жиноий жавобгарликдан озод этиш тўғрисида фармон чиқарган эди. Фуқаро Н. фармоннинг моҳиятини ўш вақтида тушуниб етиб, айбини бўйнига олиш тўғрисидаги ариза билан Президентга мурожаат этганидан сўнг, жиноий жавобгарликдан озод этилган.

Шу тариқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, маҳаллий ҳокимиятлар ва маҳалла фаолларининг аҳолининг ҳаётини яхшироқ ташкил қилиш, уртасида олиб бораётган ишларни тушунтириш ишлари самара бермоқда.

И.АЧИЛОВ,
Ўзбекистон Бош прокуратураси
бошқарма бошлиғи

БОШ МАҚСАДИМИЗ — ИНСОНПАРВАРЛИК,



«Ўлим жазоси қўлланади». Бу гапни эшитганда ҳар бир инсоннинг қалбига титроқ пайдо бўлиши табиий. Ўлим жазосини қўллаш инсониятга бегона эмас. Яқин тарихга назар соладиган бўлсак, шарқда бу жазо кўпроқ осиб ўлдириш йўли билан ижро этилган. Собиқ СССР даврида эса бундай жазога маҳкум қилинганлар отиб ўлдирилган. 1937 йиллардаги қонли даврни юртдошларимиз яхши билишади. Биргина мисол: 1930-1940 йилларда 42 турдаги жиноят учун ўлим жазоси қўлланган.

ги айтилган.

Бу ишларни ОАВнинг кучисиз амалга ошириш қийин. Бунда ҳуқуқшунослар, прокурор-тергов ходимлари, судьялар, жамоатчилик фаоллик кўрсатиши лозим.

Бугунги таҳлиллар ҳақида тўхталиб ўтадиган бўлсак, прокурор-тергов ходимлари фармоннинг моҳиятини жамоатчиликка тушунтириш бўйича ОАВда

ди. Наманган, Фарғона ва Бухоро вилоятларида бу борада тарғибот-ташвиқот ишлари яхши йўлга қўйилган. Бироқ Сирдарё вилоят прокуратураси, Республика Транспорт ва ҳарбий прокуратураларида фармон юзасидан етарлича иш олиб борилмаган.

Жиноят қилганлар ҳамма даврда жазосини олган. Бироқ

ТАРҒИБОТ — АСОСИЙ МАСАЛА

Ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисидаги фармоннинг қабул қилиниши мамлакатимизнинг ҳуқуқ тизимида тарихий воқеа деб баҳоланмоғи керак. Чунки ўзини энг демократик мамлакат ҳисоблаган АҚШнинг кўпгина штатларида ҳамон ўлим жазосидан воз кечилмаган.

Мамлакатимиз мустақилликка эришган даврда ҳам Жиноят кодексининг 30 дан ортқ моддасида ўлим жазосини қўллаш назарда тутилган эди. Бугунга келиб ЖКнинг 2 та моддасида бу жазо тури қолди.

Фармоннинг 4-бандида ўлим жазосини бекор қилиш масаласи бўйича аҳоли ўртасида тушунтириш ишларига алоҳида эътибор қаратилиши лозимли-

82 марта чиқиш қилган. «Адолат» газетасида Самарқанд вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари И.Холбековнинг «Президент фармони амалда», «Норин овози» газетасида Норин туман прокурори Ш.Рўзиевнинг «Демократик кадриятлар ифодаси», «Қиёрай садоси» газетасида Қиёрай туман прокурори терговчиси З.Турсуновнинг «Қонунчилик устувор йўналиш» мақолаларида фармонда қўзланган мақсад содда ва раван тилда газетхонларга тушунтириб берилган.

Фармоннинг моҳиятини халққа тушунтиришда юзма-юз мулоқотларнинг ўрни беқисс. Прокурор ва тергов ходимлари олий ўқув юрталарида, ташкилот ва маҳалаларда 343 марта маъруза қил-

бу билан ҳеч бир даврда жиноятчиликка нўқта қўйилмаган. Италияда XVII асрда ўғирлик қилганлар халқнинг олдида дорга таъсир қилган жазо ижро этилаётган пайтда оломоннинг йиғилишидан фойдаланган ўғирлар одамларнинг чўнтагини «тозалаб» кетишган.

Кўрииб турибдики, жазонинг оғирлиги жиноятнинг қамайишига олиб келмайди.

Фармоннинг моҳиятини ҳар бир инсон тушуниб етмоғи лозим. Мамлакатимизда олиб борилаётган суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотлар негизда инсонпарварлик ва бағрикенглик турининг унутмаслиғимиз керак.

Светлана ОРИТҚОВА,
Республика Бош прокуратураси бўлим бошлиғи

Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13-моддасидан

ОДИЛЛИК ТИМСОЛИ

Республикаимизнинг мустақилликка эришуви халқимиз ҳаётида туб бурилиш ясади. Ўтган давр мобайнида мамлакатимизда асрга татиғулик ишлар амалга оширилди. Аиникса Ўзбекистон Конституциясининг қабул қилиниши давлат мустақиллигининг энг муҳим белгиси бўлиб, жуда катта сиёсий аҳамиятга эга. Унга кўра республикаимизда яшаётган барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, irqи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар.

Дарҳақиқат, умр инсонга бир бор берилади. Инсонни жисмонан йўқ қилишга ҳеч қандай ҳақ йўқ. Шу жиҳатдан «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»-ги фармон инсоннинг яшаш ҳуқуқини эътироф

СУД ҲОКИМИЯТИНИНГ НУФУЗИ

Инсон ҳуқуқларини таъминлаш билан боғлиқ демократик кадриятлар устуворлигига интилиш жаҳон халқлари ва давлатлар тараққиётида кузатишган асосий хусусиятлардандир. Ўзбекистон ҳам мустақилликка эришган, инсон ҳуқуқ ва манфаатлари тўхис кафолатланган озоод ва эркин демократик жамият қуриш йўлини танлади ва бу йўлда собитқадамлик билан илгариллаб бормоқда. Айтиш мумкинки, ўтган қисқа давр мобайнида ана шу мудоага эришишнинг маънавий, ижтимоий, иқтисодий асослари қатори ҳуқуқий негизини яратиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди. Яқинда республикаимиз Президенти Ислам Каримов қабул қилган ўлим жазосини бекор қилиш ҳамда қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисидаги фармонлар шулар жумласидандир. Ушбу фармонларнинг мазмун моҳияти юртимизда фуқаролик жамиятини қарор топтириш тамойиллари билан узвий боғлиқ. Зеро, фуқаролик жамиятида конституцияний ҳуқуқ ва эркинликлар тўлиқ қарор топган, шахснинг дахлсизлик ҳуқуқи кафолатланган бўлиши, асосан жинсий таъбиб ва таъинларга йўл қўймаслиги шарт.

Ўлим жазосини бекор қилиниши жаҳон миқёсида ўта долзарб ҳуқуқий масалалардан бўлиб бормоқда. Узоқ йиллардан буён қўллаб юридик субъектларнинг мунозара-ю, бахслари далолат берганидек, ушбу жазо чорасининг тарафдорлари ҳам, унга қаршилар ҳам етарлича. Уларнинг ҳар бири ўз нўқтаи назарларининг тўғрилигига истаганича далил-исботларни келтиришади. Бироқ исбот талаб қилмайдиган жиҳатлардан бири шундаки, жазо чораларини қучайтириш, янада шавқатсиз чораларни қўллаш инсон дилини юмшатадиди, аксинча, дийдасини қотиради. Такрор жиноят содир этишининг олдини олишга сезиларли таъсир ўтказмайди. Бунни илгари судланиб, жазони ўтаган, яна оғир жиноятга қўл ўрганлар тақдирини кузатиш мумкин. Шафқатсизга нисбатан шафқат кўрсатиш унинг ўзида, ушбу жамият аъзолари руҳиятида ихобий акс-садо беради. Руҳий поклянишга ундайди.

Ана бир жиҳати, узоқ мўддатли ёки умрбод қамоқ аслида ўлимдан кўра оғирроқ жазо бўлиб, жиноятга мойил шахсни тизгинлаб туришнинг таъсирчан воситасидир. Шу маънода, ўлим жазосининг бекор қилиниши жамият манфаатларига ҳамоман. Тўғри, жиноятчининг қилиши жуда оғир, ҳаттоки ваҳишна кўринишда бўлиши мумкин. Бироқ яшаш ҳуқуқидан маҳрум қилмасдан, унинг ҳаётини сақлаб қолган ҳолда таъсирчан жазо чораларини қўллаш жамият аъзолари руҳиятини алмояди. Президент фармони Ўзбекистоннинг ривожланган мамлакатлар ҳуқуқий-фуқаролик жамиятлари қаторидан муносиб ўрин олиши томон қўйилган сақмоқли қадамдир.

Қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳоқимиятларининг мустақил иш юритиши ҳамда бир-бирини тўлдириши ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти асосларидандир. Мамлакатимизда ўтказилаётган суд-ҳуқуқ ислохотлари суд ҳоқимияти нуфузини ошириш ва мустақамлашни кўзалайди. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсизлиги кафолатларини қучайтиради. Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказилиши ҳоқимиятнинг ушбу тизими жамиятда ўзига муносиб ўринни эгаллашга ҳуқуқий асос яратди. Президент фармонида қайд этилганидек, судлар ушбу санкцияни 2008 йил 1 январидан қўллаб бослайди. Бу оқилона қарор бўлиб, ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўриш, амалдаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш имконини беради.

Исматулло ТўХТАРОВ,
Фарғона политехника институтининг
проректори, фалсафа фанлари номзоди



Ҳаёт оқибатлари...

Абдувоҳид ТўРАЕВ олган сурат.

Мустақиллик йилларида барча жаҳалларда ислохотлар босқичаман амалга ошириб келинапти. Жумладан, суд-ҳуқуқ тизимини эркинлаштириш, демократлаштириш борасида кўпгина ишлар қилинди. Тизимдаги ислохотларнинг асосий тамойилларидан бири — ҳақдорларнинг либераллаштирилишидир. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан жиноят содир этишда айбланаётган шахсларга суд томонидан жазо белгилаш жараёнида адолат ва инсонпарварлик тамойилларига амал қилинапти. Тизимдаги ислохот-

ларнинг узвий давомий сифатида август ойининг бошида президентимиз чикарган «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»-ги ҳамда «Қамоққа олиш учун санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида»-ги фармонлар юртимизда инсон ҳаёти, шаъни, қадр-қиммати олий даражага кўтарилганидан ишонандир.

Дарҳақиқат, умр инсонга бир бор берилади. Инсонни жисмонан йўқ қилишга ҳеч қандай ҳақ йўқ. Шу жиҳатдан «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»-ги фармон инсоннинг яшаш ҳуқуқини эътироф

батан қамоқ билан боғлиқ бўлмаган жазолар белгилаш, ҳибсхонада сақланаётган кишиларни судга-ча ва суд жараёнида гаров, кафиллик эвазига тилхат билан озодликка чиқариш сингари чораларни қўллаш суд-ҳуқуқ тизимининг тубдан янгиланганлигини кўрсатади.

Ўлим жазосининг 2008 йилдан жазо тури сифатида бекор қилиниши ҳам бежиз эмас. Негаки, унчага ЖК ва ЖПКга зарур ўзгартириш ва қўшимчаларни киритиш, ўлим жазосини бекор қилиш бўйича аҳоли ўртасида кенг қамровли тушунтириш ишларини олиб бориш, умрбод ёки узоқ мўддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган маҳкумларни сақлаш учун иқтисодлаштирилган иншоотларни қуриш, уларни таъмирлаш зарур бўлади.

Ўлдириш ва терроризм учун ўлим жазоси назарда тутилган.

Тарихдан маълумки, ҳамма жамиятда оғир жиноятлар учун ўлим жазоси қўллаб келинган. Шу боис кўпчиликнинг онгида бу жазо тури жиноятчиликнинг олдини олишда охириги чора сифатида шаклланиб қолган, шунинг учун бу борада аҳоли орасида кенг тушунтириш ишларини олиб бориш, биринчи навбатда мамлакатимизнинг ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлидаги изчил ҳаракатларини асослаб бериш, ўлим жазосини бекор қилиш заруратининг аниқлаб этилишини кишилар онгида шакллантириш ва мустақамлаш зарур.

Шунингдек, одамлар онгида ўлим жазосининг бекор қилиниши жиноятларнинг қўпайишига олиб келади деган тушунча мавжуд. Бундай одамларнинг ҳуқуқий савиясини оширсак, улар инсон ҳаётига қасд қилиш, Ватанга хончилик, бегуноҳларнинг қонини токилатиш жиноят эканлигига тўқиб энг муҳим ҳақдорларга эга жазо гини, бундай жиноятга эса албатта муқаррарлигини тушуниб етдилад.

Худойберди ЖУМАНИЕЗОВ,
Хоразм вилоят
прокурорининг ўринбосари

БАҒРИКЕНГЛИК ВА АДОЛАТ!

«Юра аканинг уйи қаерда?». Кимдан сўрамай, дарров уни таниб, «Депода ишлайдими?» деб йўл кўрсатишди. Бонси, Юрий Токарев шу маҳаллада, Оқунбобоев кўчасида ўсиб улгайган. Уттиз тўрт йилдан буён битта корхонада — Кўкон локомотива депосида ишлайди. Ишни слесарликдан бошлаб, катта мастер, 12 та бўлимини жамлаган тайёрлов цехи бошлиғи лавозимига кўтарилган. Тепловоэлар тузлишини миридан-сиригача билади, қисмларга ажратиб, қайта бир бутун ҳолга келтира олади. Бирга ишлайдиган ҳамкасблари, инженер-техникларнинг таърифича, ремонтта қўйилган тепловоэларнинг мураббатларини созлашга ҳудди жарроҳ каби ўта маъсулият билан ёндашади. Рафиқаси Ранса опа шифокор, айни қонда уй бекаси.

Кизлари Светлана ва Татьяна олий маълумотли, ўлим-жойли. Светлана шаҳардаги 41-ўрта мактаб ўқитувчиси. Президентнинг шу йил 22 август кўни Фармонига асосан Ю. Токаревини кўп йиллик самарали меҳнати муносиб тақдирланиб, «Дўстлик» ордени билан мукофотланди.

Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 24-моддаси



ТАРАҚҚИЁТ ЛОКОМОТИВИ

— Юрий Юрьевич, аввало сизни юксак мукофот билан қутлаймиз!...

— Бу аҳил, яқдўл жамоамизнинг ишига берилган баҳо. Қолаверса, ушбу ордени ўз номи билан рамзий маъно касб этади. Жамоамиздаги турли миллат вакиллари ҳудди битта оиладек ўзаро ҳурмат-эҳтиром, иззат-иқром билан бир-бирларини сўяб, қўллаб-қувватлаб ишлашаётти. Образли қилиб айтганда, тараққиёт локомотивлари — тепловоэларни бекаму кўст таъмирлаб, техникавий носозликларни бартараф этишяпти. Кафолат муддатларида панд бермай ишлаши, юкларни, йўловчиларни манзилларга етказишни таъминлашаётти. Ҳар қандай мамлакатнинг жадал ривожланиши бундан навбатда йўлларга, хусусан, темир йўлларга боғлиқ. Бу жамоамиз зиммасига катта маъсулият юклайди. Ҳамкасбларим касб маҳоратини ошириб боришяпти. Кўпгина малакали усталаримиз ҳозирда нафақада бўлган устозлар. — Владимир Лазарев, Темир Исаковлардан касб сир-асрорларини ўрганишган. Ўз навбатида Махмуджон Мусаев, Владимир Бузновкаби уста слесарлар ёшларга мураббийлик қилишяпти.

Истиқлолнинг дастлабки йиллари умуман иқтисодийдагидега каби темир йўл транспортииши ҳам орқага кетганди. Ҳукуматимизнинг эътибори тўғрисида қорхонамизга қайта

жон кирди, ишлаб чиқариш яна ўса бошлади. Темир йўллар тармоғи кенгайиб, анги йўллар фойдаланишга топшириляпти. Юк ва йўловчи ташини ҳажми ортаётти. Шу билан баробар депомизнинг тепловоэларни қаровдан ўтказиш ва таъмирлаш каби хизматларига эҳтиёж ўсаяпти.

— Мамлакатимизда ўтган қисқа фурсатда ҳуқуқий-фуқаролик жамиятининг иқтисодий негизи, қонуний асослари яратилди. Бозор иқтисодиёти қонуниятлари ишни тубдан қайта ташкил этишни тақозо қилди...

— Сакрашларсиз, бир маромда демократикқадриятлар турмушимизга кириб келяпти. Истиқлолнинг дастлабки йилларидан «аввал иқтисод, кейин сиёсат» қондасига амал қилиш, босқичма-босқич ислохотлар ўтказиляпти. Иқтисодий муносабатлар изга солиниб, жонлантриляпти. Қонуналар қабул қилиниши, бироқ ишламаслиги, наф келтирмаслиги мумкин. Ҳаётини эҳтиёждан келиб чиқиб, ҳар томонлама тош-тарозига қўйилиб қабул қилинган қонуналар ўз самарасини бермоқда. Бозор иқтисодиёти янгича қўнималар асосида ишлашни тақозо этаяпти. Талаб ва эҳтиёж ишлаб чиқаришнинг қудратли мотори бўлиб қолди.

— Суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотлар ҳам сиз таъкидлаган эҳтиёж фарзиди десак муболага бўлмайди. Зеро, уч мустақил тизимлардан,

ҳусусан мустақил суд ҳокимиятидан иборат давлат бонқаруви ҳуқуқий-фуқаролик жамиятининг асосини ташкил қилади. Ислохот жараёнида жинсий жазоларнинг либераллаштирилиши, қўнончи ўлим жазосининг бекор қилинишига қандай қарайсиз?

— Муқаддам судланиб, яна жиноятга қўл урғанишар тўғрисида эшитиб, ўқиб киши ўйга толади. Афсуски, ахлоқ тузатиш муассасаларида жазонини ўтаб чиққанларнинг аксари янги тузатиш йўлига кирмаяпти. Аксинча, олгирроқ маҳбуслардан «тажриба» орттириб, бу гал жазосиз қолиш умидида олгирроқ жиноятга қўл урмаяпти. Шу нуқтаи назардан, олгир бўлмаган жиноят содир этган, биринчи мартаба судланаётганларга нисбатан имкон қадар озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазо турларини қўллаш мақсадагидир мувофиқ. Оғир ва ўта олгир жиноят содир этганларни жамиятдан ажратиб қўйиш керак албатта. Ўлим жазосини бекор қилишга келсак, менимча, ўзоқ муддатли ёки умрбод қамоқ жазосининг муқаррарлиги жиноятга мойил шахсларни тизгинлаб турувчи, ўлим жазосидан кам бўлмаган таъсирчан воситадир. Умуман олганда иқтисодиёт ривожланиб, турмуш шароитлари яхшиланиб бориши билан баробар жиноятчилик камайиши муқаррар.

Сухбатдош:
Исроил ИБРОҲИМОВ,
«Ниқуқ» муҳбири

«Мустақиллик — ҳуқуқ демокдир». Бу таъриф тарих варақларига муҳрланибгина қолмай, ҳар бир юртдошимизнинг юрагига акс-садо бериб туради. Ҳақ-ҳуқуқи, эркинлиги қонун билан кафолатлаб қўйилганига ишонч ҳосил қилаётган халқимизнинг қонуналарга муносабати ўзгарди.

Миллат таваққуридаги тараққиёт барча соҳада бўлгани сингари суд-ҳуқуқ тизимида ҳам чуқур ислохотларни амалга оширишни тақозо этади. Ўзбекистон Бош прокурори Рашитжон Қодировнинг яқинда «Халқ сўзи» газетасида чоп этилган «Ислохотларнинг бош мақсади инсон манфаатларига хизмат қилишдир» номли мақоласини ўқиб эканман, бунга яна бир қарра амин бўлдим.

ЯХШИЛИККА ЮЗЛАНИБ

Мамлакатимизда инсон манфаатлари олий қадрият эканлиги халқаро андозалар даражасидаги миллий қонуналар яратилишида ўз аксини топмоқда. Мазкур мақолада таъкидланганидек, ҳар бир қонун ушбу йўл олиб боришда у халқимиз ҳаётини яхшилаш учун қай даражада самара бериши эътиборидан четта қолмаяпти. Шунингдек, суд-ҳуқуқ тизимида ўзгаришлар ислохотлар жараёнининг натижа босқичи бўлмоқда. Жаҳон тажрибасидан аёнки, суд-ҳуқуқ тизимининг мукаммаллиги давлат аҳамиятига молик масалалар. Бинобарин, жазоларнинг либераллаштирилиши, судларнинг иқтисослашуви замирида ҳам шу мақсад муқассам. Юртдошимиз таъкидлаганидек, гап-жазо турининг нечоғли шартсизлигида эмас, балки жазонинг муқаррарлигини таъминлашдир.

Ўзбеклар азалдан инсонпарвар, кечиримли халқ. «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги фармоннинг қабул қилиниши билан Ўзбекистон дунёдаги жазо амалиётидан ўлим жазоси умуман чиқариб ташланган 120 давлат сафига қўшилмоқда. Оғир жазо тайинлаш билан ҳеч қачон жиноятчиликнинг олдини олиб бўлмайди, аксинча, жиноятчини умрбод озодликдан маҳрум қилган ҳолда қилишдан афсусланиши, ҳаётга бошқача муносабатда бўлишига имкон яратилади.

Бош прокуроримизнинг юқорида таъкидлаган мақоласида давлатимиз раҳбари томонидан 2005 йил 8 августда қабул қилинган «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказиш тўғрисида»ги Фармоннинг моҳияти, ундан қўзланган мақсад ва вазифаларга ҳам алоҳида тўхталган.

Айтиш жоизки, мазкур фармон ҳуқуқий давлат, олий фуқаролик жамиятини барпо этишга хизмат қилади. Бунда қамоққа олишга санкция бериш маъсулияти юкланган судга нафақат «чуқур ҳуқуқий билим эгаси, балки инсоннинг руҳий ҳолатини тўла таҳлил қила оладиган малакали кадр бўлиши шарт. Зеро, юртимизда инсон ҳуқуқлари олий қадрият деб эътироф этилган экан, жиноятчиликка қарши эзгулик тамойили асосида қўрашмоқ яхшиликларга олиб келади.

Бобир СОБИРОВ,
Бухоро вилоят прокурорининг
катта ёрдамчиси

Яшаш ҳуқуқи — олий қадрият

Бизга маълумки, азал-азалдан жамият жиноятчиликка қарши курашиб келади, бунда жазо масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, ўлим жазоси энг оғир жазолардан ҳисобланиб, бу жазонини бекор қилиш ёки қолдириш тарафдорлари ўзларининг турли қарашларини илгари сурганлар. Биринчи тоифадагилар ўлим жазосини бекор қилмаслик тарафдори бўлиб, уларнинг фикрича, ўлим жазосини бекор қилиш керак, аммо бунга ҳали эрта; бу жазонини бекор қилиш жиноятчиликнинг ўсишига олиб келади; жазо жиноятга тўла мос бўлиши керак; жиноят қурбонининг ҳуқуқлари айбланувчининг ҳуқуқларидан устундир.

Иккинчи тоифадагилар ўлим жазосини бекор қилиш тарафдори бўлиб, қуйидагиларни қайд этишлар: ўлим жазосининг бекор қилиниши айбосиз шахслар қатл этилишининг олдини олиш имконини беради; жиноятчиликнинг ўсиши билан ўлим жазосининг бекор қилиниши ўртасида боғлиқлик йўқ; ўлим жазоси ҳар бир халқнинг менталитетига, ахлоқ нормаларига зиддир; умрбод озодликдан маҳрум қилиш ёки ўзоқ муддатли қамоқ жазоси ўлим жазосидан кўра олгирроқдир, ушбу жазо жиноятчиға кўпроқ, олгирроқ азоб-уқубат етказиши.

Таъкидлаш жоизки, халқимиз олгир тарихий шароитда не-не азобларни бошидан кечирмади. Абдурауф Фитрат, Махмудхўжа Бехбудий, Абдулла Қодир, Чўлпон, Усмон Носир каби юрт қаҳромонлари машҳур қатагон йиллари ноҳақ қатл этилдилар. Давлатимиз мустақилликка эришгандан сўнг уларнинг барчаси оқланди. Мана айбосиз кишиларга

Инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият ҳисобланади. Ҳар бир фуқаро яшаш, шахсий дахлсизлик, билим олиш ва меҳнат қилиш каби ҳуқуқларга эгадир. Булар қонунариимиз билан кафолатланади.

Олий Мажлис палаталарининг 2005 йил 28 январда бўлиб ўтган қўша мажлисида юртдошимиз суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш борасида халқ этилиши лозими бўлган яна бир масала — жазолаш тизимини ўлим жазосини чиқариб ташлаш тўғрисидаги фикрни ўртага ташлаган эди. Орадан кўп вақт ўтмай 2005 йил 10 августда Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди.

нисбатан ўлим жазосини қўллашнинг оқибати. Президентимизнинг фармони мамлакатимизнинг бир қатор кодексларига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритишнинг тақозо этади. Бу эса жазо тизимини босқичма-босқич либераллаштириш йўлидаги дадил қадам бўлади.

Фармоннинг ўзига хос томони шундаки, биринчидан, у бевосита инсон ҳуқуқларини ҳимоялаш ва кафолатлашга қаратилган, иккинчидан, халқаро ҳуқуқнинг асосий тамойилларига тўла мос келади. Бундан ташқари, фармонни жорий этишда шошма-шошарликка йўл қўйилмайди. У муайян муддат мобайнида жорий этилади. Фармонда: «Ўзбекистон Республикасида 2008 йилнинг 1 январидан жиноий жазо тури сифатида ўлим жазоси бекор қилинсин ва унинг ўрнига умрбод ёки ўзоқ муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси жорий этилсин», — дейилган. Бу ўз навбатида бир қатор вазифаларни, юмладан Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритишни, айти пайтда бир қанча ташкилий ишларни амалга оширишни тақозо этади. Энг асосийси эса ушбу фармоннинг моҳиятини халқимизга кенг қўламда, батафсил тушунтириб боришимиз лозим.

Саломат НИЁЗОВА,
ТДЮИ ўқитувчиси



Чехрасида иқбодан нишон,
Эртаси бор ўзбекнинг ишон...

RADDIYA

«ТОМОРҚА КИМНИКИ?» МАҚОЛАСИГА РАДДИЯ

2005 йилнинг 22 июн куни «Хуқуқ» газетасининг 25-сон 6-сахифасида «Томорқа кимники?» руқни остида мақола эълон қилинган.

Ушбу мақолада Иzzат момо Абдуллаевнинг томорқа билан боғлиқ муаммоси баён қилинган.

Мақолада кўринишча, тахририятга М.Абдуллаевнинг ўзи эмас, балки унинг номидан вакили мурожаат қилган.

Иш ҳолати бўйича қуйидагиларни маълум қиламан.

2004 йил 16 феврал куни ФИБ Шеробод туманлараро судига И.Абдуллаевнинг номидан ёзилган «томорқани олиш ҳақидаги» аризаси келиб тушган. Мен шу куни даъво аризасини ўрганиб чиқиб, унда «даъвогарга ер ажратиш ҳақида ҳамда уй-жойга эгаллик қилиш ҳуқуқини белгилаш ҳақидаги туман ҳокимлигининг қарори йўқлиги, давлат божи

тўланмаганлиги сабабли Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 154-моддасига асосан даъво аризани ҳаракатсиз қолдириш ва камчиликларини тузатиш учун 2004 йил 16 март кунига қадар бир ой муҳлат бериш ҳақида ажрим чикардим.

Ажрим нусхаси даъвогарга юборилган.

ЎЗР ФПКнинг 154-моддаси 2-қисмида «агар даъвогар белгиланган муддатда судьянинг қўрсатмаларига мувофиқ ушбу Кодекснинг 149 ва 150-моддаларидаги талабларни бажарса ва давлат божини тўласа, ариза дастлаб судга тақдим этилган кун билан берилган ҳисобланади. Акс ҳолда ариза берилмаган ҳисобланиб, даъвогарга қайтарилди» ва бу ҳақда ажрим чиқарилади», дейилган. Ажримда қўрсатилган муддат ўтса ҳам камчиликлар бартараф этилмади.

2004 йил 17 март куни аризани берилмаган деб ҳисоблаб, даъвогарга қайтариш ҳақида ажрим чиқардим. Шу куни И.Абдуллаевнинг даъво аризаси қайтарилган.

Бундан ташқари мақолада гўёки И.Абдуллаева 2003 йилда менга даъво ариза билан мурожаат қилганили қўрсатилган. Бу умуман ҳақиқатга тўғри келмайди, чунки И.Абдуллаева 2003 йилда умуман судга келмаган ва мен уни кўрмаганман.

Журналист К.Жўрамазаров мақоласида мени ҳужжатларни сохталаштириб деб қўрсатган. Бу иборалар ҳақиқатга тўғри келмайди.

Ажримларни қайтариш ҳақидаги алоқа хатларига саналарини қўйиш менинг ваколатимга кирмайди.

Бунинг девоҳона мудири О.Жўмаеванинг хизмат вазифасига таллуқли бўлгани сабабли у томонидан кириш-чиқим ишлари амалга

оширилган.

Журналист К.Жўрамазаров бутун Республика миқёсида нотўғри маълумотни тарқатишдан аввал ОАВ тўғрисидаги қонунга кўра мен, девоҳона мудири ва суд раиси билан ҳеч бўлмаганда бир марта учрашиб суҳбат ўтказишим, ҳамда кириш-чиқим журналларини кўздан кечириб, ҳақиқий ҳолатни аниқлаб, сўнг ҳулоса қилишим лозим эди. Лекин журналист бу қонундаги риоя қилмасдан менинг шаъни, кадр-кимматимни ерга уриб, мени хизмат сохтакорлиги қилди деб обрўйимни тўқди.

2005 йилда И.Абдуллаевнинг қўйви судга ажрим нусхасини беришни сўраб такоран мурожаат қилган.

Унинг мурожаатига асосан мен эмас, девоҳона мудири О.Жўмаева 2005 йилда илгариги ажрим нусхасини такоран юборган.

Бу дегани мен томонидан ажрим 2004 йилда чиқарилмаган дегани эмас, агарда журналист мен билан ушбу мазмунда суҳбат ўтказганида эди, мен ишнинг ҳақиқий ҳолатини унга тушунтирган бўлар эдим.

Мен аминманки, иш юзасидан биз билан суҳбат ўтказилиб, ҳақиқий ҳолат аниқланганида, ҳеч қандай ҳужжатларга асосланмаган асоссиз мақола чиқарилмаган бўлар эди.

Бундан ташқари яна бир нарсга эътиборингизни қаратмоқчиманки, судьялар Республика Президенти томонидан тайинланади, уларни шаъни, кадр-кимматини ҳеч қандай тегишсиз ерга уришга ҳеч қимни ҳаққи йўқ.

ОАВларида ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни тарқатиш жавобгарликка асос бўлади.

Мақоланинг асосий мақсиди ўзбошимчилик билан қўрилган уй-жой ва қонунда белгиланган тартибда фойдаланган ер участкасини фуқаро И.Абдуллаевага ажратиш бериш деб биламан.

Лекин Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 212-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги «Якка тартибда қўрилган уйга бўлган мулк ҳуқуқи билан боғлиқ низолар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 14-сонли қарорининг 3-бандида қўрсатилишича, «Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ажратиш берилган ер участкасида ўзбошимчилик билан қўрилган иморатга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш тўғрисидаги, шўжумладан ана шундай уйга нисбатан олди-сотди, ҳада, айирбошлаш, мерос олиш билан, шўнингдек уйни

RADDIYAGA RADDIYA

Тахририятимизга Бойсун туманидаги Қизилназар маҳалласида яшовчи Иzzат момо Абдуллаев номидан шикоят хати келди. Бош муҳарриримиз менга унда келтирилган вахлар юзасидан журналист суриштируви ўтказиб, лозим топилса мақола тайёрлаш ҳақида ёзма топишиқ берди.

Хатда аслида тўқсон ёшли табарруқ онахонинг томорқа билан боғлиқ изтироблари баён этилган. Шу аснода фуқаролик ишлари бўйича Шеробод туманлараро судининг фаолиятига нисбатан ҳам норозилик билдирилган. Табиийки, мен масаланинг шў жихати билан ҳам қизиқдим.

И.Абдуллаевнинг тахририятимизга шў йилнинг 20 феврал куни ёзган шикоят хатида айнан шўндай жўмлалар бор: «2003 йил 5 июн куни Шеробод тумани фуқаролик судига ариза бердим. Лекин ҳозиргача суд ҳўкимдан хабар йўқ, Илжои бўлмаганидан адолат рўёбга чиқар деб газетга мурожаат қилаётман».

У суриштирувини жараенида бизга қўшимча ариза тақдим этди. Унда ҳам «2003 йил 5 июнда Шеробод фуқаролик судига томорқани олиш учун ариза бердим. Бу ишни кўриш судья Раъно Ҳазраткуловага юкланган экан».

2005 йил феврал ойининг охирида неварам Абдуллаева Мақсуда билан Шеробод фуқаролик судига бордик. Мен касал бўлиб, судьянинг олдига киролмадим. Неварам судьяга учрашса: «Хурсанов Абдуғаффор (яъни, жавобгар — муаллиф) ўзимиз келишмадими? Шўнинг учун мен бу иш тўғрисида ҳозиргача бир хулосага келганим йўқ», — деб айтибди. Суд қандай хулосага келганили бизга номаълум. Суд қароридан ҳозиргача жавоб олганимиз йўқ», — деб таяқдланган.

Шў боис мен дастлаб фуқаролик ишлари бўйича Сўрхондарё вилоят суди раиси Х.Тоғаевага учрашиб, уни шикоят хати билан таништирдим. Ва ушбу ҳолат юзасидан маълумотнома сўрадим. 23 март куни Абдуллаева Иzzатнинг аризаси беришгани ҳисобланиб, унинг ўзига қайтарилганлиги ҳақидаги Р.Ҳазраткулова томонидан ёзилган хат қўлимга теғди.

20 апрел куни фуқаролик ишлари бўйича Шеробод туманлараро судига бордим. Суд раиси М.Абдурахмонова муддаомни тушунтирдим. Р.Ҳазраткулова сўз ботлаштиб, масаласга оидлиқни қиритиш лозимлигини айтди. У телефонда судьяни излаб тополмади. Теғишли суд ҳужжатлари билан танишмоқчи бўлганим, девоҳона мудири О.Жўмаева ажримлар унда эмаслигини, Р.Ҳазраткуловада эканлигини маълум қилди.

Уша куни судьяни тушгача кутдик. Ундан дарак бўлавермаган, телефон рақамларини қолдириб, қўнғироқ қилишнинг қайта-қайта тайинлаб, сафарни давом эттиришганига тўғри келди.

Эртаси куни олис тоқ қишлоғи Қизилназар (Термиз шаҳридан тахминан 250

чақирим узоқда)га бордик.

Қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғини кенгаши раислари, оксоқоллар иштирокидаги суҳбат чоғида ҳам Иzzат момо даъво аризаси бўйича суддан ҳозиргача хат-ҳўжжат ололмаганлигини билдирди.

Орадан хафта-ўн кўн ўтган, ариза муаллифининг вакили Р.Ҳазраткулова олиб келди.

— Суддан олдик, — деди уни қўлимга тутқазар экан.

Қараб чиқсам, И.Абдуллаевнинг фуқаролик ишлари бўйича Шеробод туманлараро судига ёзган Абдуғаффор Хурсановдан «Томорқани қайтариб олиш ҳақидаги» даъво аризаси, унга илова қилинган ҳўжжатлар, ушбу ариза юзасидан Р.Ҳазраткулова чиқарган ажримлар ҳамда уларни теғишли манзилга юбориш ҳақидаги қўзатув хатлари экан. Судья Р.Ҳазраткулованинг биринчи ажримиди 2004 йил 16 феврал санаси қайд этилган. Унинг компютерда тайёрланган матнида эса «2005 йил» дея битилган. Кейинчалик «5» рақами устидан «4» рақами ёзилгани очик-ойдин кўриниб турибди. Холисона айтингчи, башарти сизга 2005 йил учун 2004 йил феврал ойида ажрим варақаси тайёрланган дейишса ишонармидингиз?!

Ушбу ажримни даъвогарга юбориш тўғрисидаги қўзатув хати матнида ҳам 2005 санаси қайд этилган бўлиб, кейинчалик «5» рақами устидан «4» рақами ёзилган. Энг ажабланишли жойи шўндаки, мазкур ажримни даъвогарга юбориш ҳақидаги қўзатув хати тепасига босилган судьянинг тўрт бурчак тамғасида «16.02.2005 йил тартиб сон 30» деб қайд этилган.

Судьянинг иккинчи ажримини, даъво аризаси ва унга илова қилинган ҳўжжатларни даъвогарга юбориш ҳақидаги қўзатув хати тепасига босилган тўртбурчак тамғида «17.03.2005 йил тартиб сон 197» деб ёзиб қўйилган.

Юқорида санаб ўтилган ҳўжжатларнинг ҳаммаси табиъатан конверт билан жунатилган. Охири алоқа бўлимининг ундаги муҳрида эса «18.04.2005» рақами акс эттирилган.

Эътибор берган бўлсангиз неғадир бу саналар биз Х.Тоғаевага мурожаат қилган муддатга низохатда мос келади.

Халқимизда «Гап тўғри келганда туққанининг ҳам аяма» деган мақол бор. Биз қишлоқда ҳар хил шўбҳа-ғўмон туғдирадиган ана шў ҳолатни қўлимиздаги далил-ҳўжжатларда қандай бўлса шўндайлиқча қорғаша туширдик. Холос. Афсуски, Р.Ҳазраткулова бунинг ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумот, шаъни ва кадр-киммати-га доғ тушириш деб баҳолаб, қаминга

2004 йилда суддан ҳеч қандай хат-ҳўжжат олганимиз йўқ. 2005 йилда ажримлардан нусха сўраб судга мурожаат қилган эмасман. 2005 йил 23 апрел куни ҳамқишлоғимиз Абдурайимов Жўмамазар деган йиғит момонинг судга берган даъво аризаси, унга илова қилинган ҳўжжатлар ва суд ажримларининг

яна қорқдан пайдо бўлди?

Учинчидан, Х.Тоғаеванинг хатида «қўйви» судга март ойида мурожаат қилган дейилган. Судьянинг тақоррий деб даъво қилаётган камчиликларини тузатиш ҳақидаги ажримни эса 2005 йил 16 февралдаги 30-қўзатув хати билан жунатилган. Хўш, бунинг қандай тушуниш керак? Башарти, бу ҳўжжатлар тақоррий жунатилган бўлса,

Тўғри гапнинг муқомози бор

Судья бу нохуш ҳолатни ўз раддисидида: «2005 йилда И.Абдуллаевнинг қўйви судга ажрим нусхасини беришни сўраб, такоран мурожаат қилган. Унинг мурожаатига асосан мен эмас, девоҳона мудири О.Жўмаева 2005 йил 17 мартдаги илгариги ажрим нусхасини такоран юборган», — дея изохлагаша уринган.

Фуқаролик ишлари бўйича вилоят суди раиси жаноб Х.А.Тоғаева теғишли хатида гўё бу жўмбоқда янада аниқлиқ киритмоқчи бўлган: «2005 йил март ойида И.Абдуллаевнинг қўйви Беғалиева Нейматулла фуқаролик ишлари бўйича Шеробод туманлараро судига келиб, И.Абдуллаева ажрим нусхасини йўқотиб қўйганилиги баён қилиб, юборилган ҳўжжатлардан нусха беришни сўраган.

2005 йил 17 мартда 197-сонли чиқим хати билан ажримлардан нусхалар И.Абдуллаевага почта орқали такоран юборилган».

Биз яқинда «қўйви» (унинг фамилияси Беғалиева эмас, Хўжакулов экан) уни топиб, уни мазкур раддия ва хат билан таништирдик.

— Тўғри, Иzzат момо Абдуллаева биз билан бирга яшайди ва бизнинг қарамогимизда, — деди у. — Шў сабабли ҳамма гапдан хабардорман. Ишонтириб айтманки,

асил нусхасини олиб бориб берди. Кейин мен шў ҳўжжатларни сизга олиб келиб берманман. Бу фикрларини Иzzат момо ҳам тасдиқлашига ишончим қомим.

Неъматулла Хўжакулов ўз қўли билан шў мазмунда тушунтириш хати ҳам ёзиб берди.

Фуқаро И.Абдуллаева ва Н.Хўжакуловларни туҳматчи дейиш учун бизда ҳеч қандай асос йўқ.

Келинг, энди биз ҳам ўз фикр-мулоҳазаларимизни билдирайлик.

Биринчидан, бизнинг қўлимиздаги ажримларнинг ҳар иккаласи ҳам нусха эмас, балки асил нусхадир. Бу фикр қўзатув хатларига ҳам тўлиқ тааллуқли. Имзоларини Р.Ҳазраткулова ўз қўли билан қўйган.

Иккинчидан, 2005 йил 17 мартдаги 197-сонли чиқим хати билан «ажримлар нусхалари» эмас, судьянинг факат Абдуллаева Иzzатнинг аризасини ўзига қайтариб қўйганилиги ажримни юборилган. Бундан ташқари, даъво аризаси ва унга илова қилинган ҳўжжатлар ҳам бирга қайтарилган.

Шў ўринда ҳақли бир савол туғилади. «Қўйви» факат ажримларини сўраб мурожаат қилган бўлса, у ҳолда даъво аризаси ва унга илова қилинган ҳўжжатларни ҳам такоран жунатишга қандай зарурат бор эди? Умуман, бу ҳўжжатлар даъвогарга 2004 йилда юбгани билан бўлса,

нега улар битта қўзатув хати ва бир хил сана билан қўйиб жунатилмаган?

Ўзбекистон Олий суди раёсатининг 2003 йил 15 июлдаги 4 пр-10-03-сонли қарори билан тасдиқланган фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судларидида иш юритиш тартиби тўғрисидаги Ўзбекистоннинг 11-бўлими 11.3-бандида:

«Суд ишларидаги айрим ҳўжжатларнинг қўйирига нусхаси даъвогар, жавобгар ёки уларнинг қўнуний вакилларига уларнинг аризаси асосида суд раиси ёки судьянинг ёзма розилиги билан девоҳона мудири ёки архив мудири томонидан берилиши лозим», — деб уқтирилган.

Н.Хўжакулов ким? У даъвогар эмас, жавобгар эмас, уларнинг қўнуний вакили ҳам эмас. Бунинг устига ариза билан мурожаат қилмаган бўлса! Ажабо, суд ҳўжжатлари ҳеч бир асоссиз жунатилмаверган экан-да?!

Даровек, кези келганда шўни ҳам айтиш керакики, ушбу Ўзбекистон талаблари қайта-қайта бузилган. Жўмладан, И.Абдуллаевнинг даъво аризасига сана акс эттирилган кириш штампи қўйилмаган. Юқорида зикр этилганидек, суд ҳўжжатлари қўпол равишда тузатилган. Ажрим нусхалари муҳр билан тасдиқланмаган.

Хатто Фуқаролик-Процессуал Кодексининг айрим талабларига ҳам тўлиқ амал қилинмаган. Мазкур кодекснинг 149-моддасида: «Ариза даъвогар ёки унинг вакили томонидан имзоланади» деб қайд этилган. И.Абдуллаевнинг аризасида эса даъвогарнинг имзоси йўқ. Ушбу кодекснинг 149-моддасида: «Суд аризасини қабул қилиб, фуқаролик иши қўзғатганидан сўнг ишчи ўз вақ-



SUD OCHERKI

бўлиш билан боғлиқ даъволар, ўзбошимчилик билан иморат қурган шахс ёки бошқа манфаатдор шахс томонидан тақдим қилинганда қатъий назар, судларга тааллуқли эмас.

Бундай даъволар билан арыз қилинганда, суд ФПК 152-моддасининг 1-бандига асосан аризани қабул қилишни рад этади, агар қўзғатилган бўлса ФПКнинг 100-моддасининг 1-бандига кўра иш юриштири тугатади ва аризага ушбу талаб билан ҳокимиятга мурожаат қилиш ҳуқуқи тушунтирилади» дейилган.

Газета муҳбири К.Жўра Назаров менинг шаън, кадр-қимматимни ерга урадиган асоссиз маълумотларни тарқатиб, менинг ва суднинг обрўйини Республика миқёсида тўқди. Бу менинг руҳиятим ва кайфиятим бузилишига сабаб бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Судининг 1992 йил 19 июндаги, 1997 йил 2 май ва 1998 йил 11 сентябрдаги Пленум қарориди қўшимча ва ўзгаришлар киритилган «Суд амалиётида Фуқаро ва ташкилотларнинг шаъни, кадр-қиммати ва ишчанлик обрўсини ҳимоя қилиш ҳақидаги қонунларни қўллаш тўғрисида»ги қарорининг 3-бандига Ўзбекистон Республикаси «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги

қонуннинг 27-моддасига биноан эълон қилинган материал тўғрисида ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилган юридик ва жисмоний шахслар ўз раддасини мазкур оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилишга ҳақлиқлар. Раддия ёки жавоб газеталарда улар келган кундан эътиборан бир ой муддат ичида, бошқа даврий нашрларда эса навбатдаги сонда эълон қилинади.

ОАВ раддия ёки жавобни эълон қилишдан бош тортса, ёқуд уларни эълон қилиш учун белгилаб қўйилган муддатни бузса, юридик ёки жисмоний шахс даъво билан судга мурожаат қилишга ҳақлиқдир», дейилган.

Журналист К.Жўра Назаров томонидан ёзилган 2005 йил 22 июнда «Нигуқ» газетасида эълон қилинган «Томорқа қимми» деб номланган мақола ҳақиқатга тўғри келмаслиги ва менинг шаън, кадр-қимматимга доғ туширадиган маълумотлар тарқатилганлиги сабабли, раддия эълон қилишини, натижаси ҳақида менга ёзма равишда маълум қилишини сўрайман.

Р.ҲАЗРАТКУЛОВА,
Фуқаролик ишлари бўйича
Шеробод туманларо судининг судьяси

тида ва тўғри қўриб чиқиш ҳамда ҳал қилиш мақсадида уни судда қўришга тайёрлайди», — дейилиб, шундан кейин 153-ва 160-моддаларга биноан ишни тайёрлаш тартибиди **тарафларни сўроқ қилиш, гувоҳларни суд мажлисига чақириш ёки уларни сўроқ қилиш** масаласини ҳал қилиш лозим деб белгилаб қўйилган.

Маълумки, И.Абдуллаеванинг аризаси 154-моддага асосан берилмаган ҳисобланиб, даъвога қайтарилган ва бу ҳақда ахирин чиқарилган. Шунга қарамайдан, негадир жавобгар А.Хурсанов суд томонидан қақирилган. И.Абдуллаеванинг даъво аризасида «Ариза билан танишидим, олдим. Хурсанов Абдуғаффор» деган ёзув ва аллақандай имзолар бор.

Биздаги маълумотларга кўра, судья **Р.Ҳазраткулова** даъвогар ва жавобгар иштирокчилар **айрим гувоҳларни ҳам** жиноят ишлари бўйича Бойсун туман суд биносига **чақиштириб, сўроқ қилган**.

Раддия муаллифи: «**Журналист К.Жўра Назаров бутун республика миқёсида нотўғри маълумотни тарқатишдан аввал оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонунга кўра, мен, девонхона мудири ва суд раиси билан ҳеч бўлмаганда бир марта учрашиб суҳбат ўтказишни ҳамда кириш-чиқим журналларини кўздан кечириб, ҳақиқий ҳолатни аниқлаб, сўнг хулоса қилиш лозим эди. Лекин журналист бу қоидага риоя қилмасдан менинг шаън, кадр-қимматимни ерга уриб, мени хизмат сохтакорлиги қилди деб обрўйимни тўқди**», — дея зорланган.

Юқориди фуқаролик ишлари бўйича виллоят ва туманларо судига ташрифчи тафсилоти хусусида тўхталганман. Қўшимча қилиб шунга айтишим мумкинки, бевосита мақолашни тайёрлаш жараёнида ҳам Р.Ҳазраткулованинг иш жойига бир эмас, уч марта қўнғироқ қилиб изладим. Унинг локал телефон орқали мен билан боғланишини сўраганман. Бу УЗИ-Термиз филиали-алоқа бўлими компютер ҳисоб-варақасида ҳам қайд этилган. Бирок суд хоними томонидан ҳеч қандай акс-садо бўлмади.

Шуни ҳам айтиш керакки, мақолада «**хизмат сохтакорлиги, «ҳужжатларни сохталаштириди»** каби ибораларни умуман ишлатмаганман. Билмадим, Р.Ҳазраткулова бу гапни қайсидан олган? «Гал эгасини топади» деганлари шунданми?»

Раддиядан сўнг унда келтирилган баъзи вазғалар яна бир бор аниқлик киритишга ҳазм этдик.

Мени, кўпроқ хусусан И.Абдуллаеванинг даъво аризаси қачон тошқирилган, ушбу ариза юзасидан чиқарилган ахирлар даъвога 2004 йилда юборилган-юборилмаганлиги, И.Хўжакулов 2005 йилда ахирин нусхаларини сураб судга ариза

ёзган-ёзмаганлиги қизиқтирарди. Мақсадим — ҳақиқатни билиш эди. Бунинг учун албатта девонхона мудири билан суҳбатлашишга, суднинг қайд дафтари ҳамда бошқа зарур ҳужжатларни кўздан кечиришга тўғри келарди. Шу масалада ёрдам сураб, яна шахсан Х.Тоғаевага мурожаат қилишга мажбур бўлдим.

— Ҳеч қандай маълумот берилмайдими, — деди у.

«Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 5-моддасида: «**Журналист ўз касбига доир фаолиятини амалга ошириш чоғида ...давлат сирини ёки қонун билан қўриқланган бошқа сирини истисно этган ҳолда ҳужжатлар, материаллар ва ахборотдан фойдалана олиш ҳуқуқига эга**», — дейилган.

«Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги қонуннинг 6, 8, 9-моддалариди ҳам бу тамойил ўз ифодасини топган.

Мен ноқизи бўлса-да, суд раисига мазкур қонунлар талабини эълонлаб, уларни ҳурмат қилишни сўрадим. Афсуски, бу гаплар унга қор қилмади.

26 август кунини олтириш қақирим йўл босиб, эрталаб соат 9лар чамаси фуқаролик ишлари бўйича Шеробод туманларо судига бордим. Девонхона мудири О.Жумаева ишхонада экан. Аммо у биз билан гаплашишни ҳам хоҳламади. «Раиснинг руҳсати керак», — дерди у нуқул.

Бир пасдан сўнг қайсидир чикиб кетди. Шу кунини соат тўртгача кутдик. Бирок на суд раиси, на судья ишхонага келмади. Девонхона мудири ҳам ўша кетганича қорасини қўрсатмади.

Суд биносиди иш кунини тартиби ва фуқароларини қабул қилиш жадвали илгари. Сураб-суриштириб, хар душанба суд раиси М.Абдурахмоновнинг қабул кунини эканлигини билиб олдим. Ва қабул кунини албатта келса керак деган фикрда, 29 август кунини соат 10 га яқин яна судга бордик. Биз борган пайтда фақат О.Жумаева иш жойида экан. У ҳам «ҳўшжабардан» вожиб бўлган захотиёк орқа эшикдан чикиб, жуфтанинг ростлабди.

Уша кунини раиснинг қабулига турли туманлардан кўлаб фуқаролар келишди. Бирок соат 12 гача кутган бўлсак-да, буғал ҳам М.Абдурахмонов ва Р.Ҳазраткулова ишхонага келишмади. Девонхона мудири ҳамини ҳам топа олмадик.

Одамлар сарғайиб ўтириб-ўтириб, бирин-кетин тарқалишди. Биз ҳам зарур маълумотларни олмадик. Бу ҳолат бошдан охиригача видео тасмага муҳрланган.

Балки шунча сай-ҳаракатдан кейин ҳам «Ҳеч бўлмаганда бир марта учрашмади» дея таъна-дашном тошларини отишар. Умид қиламизки, «қонун посбонларининг» қуракда турмас бу қилиқларни тегишли баҳосини олади.

Ҳақ гап аччиқ бўлса, биз айбдоримиз!
Қурбон ЖўРАНАЗАРОВ,
«Нигуқ» муҳбири



ЭХТИЁЖ ЧЕГАРАСИ...

Барча қатори бу аёл ҳам, келадиган мижозлар ҳам муаммоларнинг ечимини пулда деб билади. Хар ким ўз эҳтиёжини қондириш даражасида унга эса бўлишни орзу қилади. Эҳтиёжларнинг чегарасини эса ҳеч ким қўрсатиб бера олган эмас. Одатда пул ҳақида гапирилганда барчаннинг онгида бир-бирини инкор этадиган икки хил қараш шаклланган: пул муаммоларини ечишининг қалити бўлиш билан бирга ёвузликларнинг илдизи бўлиши ҳам мумкин. Пул бaxт келтирмайди, унга сизиниш керак эмас деб ўхшатишга катталар. Лекин ҳеч ким бирор сония бўлса-да, пул топишга уринишдан воз кечмайди. Мана бу банкда ўтирган аёлни ҳам пул топиш илҳини ойнаванд девор ортига олиб келган. Кунин билан компютерга тикилиб ҳисоб-китоб олиб бориш, баъзи зима, асабий кишиларнинг аччиқ-чучук гапига чидаш, мана шу чарм курсида занжирлангандек ўтиришга уни пулдан бошқа яна нима ҳам мажбур қилиши мумкин? Албатта, банк унинг хизматлари учун анча-мунча ҳақ тўлайди. Лекин бу пул эҳтиёжлар уммонига отилган тангадек дарров ғойиб бўлади. Шу нуқтада баъзи мижозлар билан унинг қизиқишлари тўғри келиб қолиши ҳеч гап эмас. Шунда шивирлаб тузилган шартномалар ишга тушади. Кўз қараш билан англаб олинган операциялар амалга оширилади. Қўлдан-қўлга ўтган пул на банк ва на статистик ҳисоботларда акс этмади. Бу аёл йил охирида шу тахлит топилган пули учун солиқ идорасига бориб декларация тўлдириши эса ўта гаройиб ҳодиса бўлишига ва у лақма сифатида машхур бўлиб кетишига ҳеч ким эътироз билдирмайдими.

Бу гаплар шунчаки умумлаштирилган кўриниш эди, холос. Лекин бу гал воқеа сал бошқачароқ келди. Банкда оператор бўлиб ишлайдиган бу аёл кўчада кетаёткиб солиқ синфдошига дуч келди. У ёқ-бу ёқдан гаплашиб банкда ишлагганини, талабалар учун контракт тўловларини қонуний қилиб ўтказиб бериши мумкинлигини айтди.

— Ёркиной, бу гапларнинг айтии муддао бўлди. Контракт тўловларини ўтказолаётганлар орамизда қанча... — деди Ихтиёр унга.

Шу тахлит «битим» тузилди. Тошкент давлат техника университети «Нефт ва газ» факультети талабаси Ихтиёр солиқ синфдоши Ёркиной Химатованинг олдида сержатнон бўлиб қолди. Ёркиной ҳаммаси Озода опа орқали пул ўтказиб бериши мумкинлигини айтиб уни ишонтирди. Ихтиёр пул ташиб турди. Азим, Равшан, Шухрат каби талабалар эса бундай имкониятдан фойдаланиб қолиш мақсадида у орқали пул бериб туришди. Уларни икки жихат кўпроқ қизиқтирар эди. Дастлабкиси пулнинг қонуний қилиб ўтқа-

зилаётгани эди. Чунки қонун-қоидага асосан университетнинг кассасига нақд пул топириш мумкин эмасди. Шунинг учун уни турли ҳомийлар ҳисоб-рақами орқали ўтказиш зарур эди. Бунинг учун ҳомий-га нақд пул бери-лар, эвазига у пул

ўтказиб берар эди. Иккинчидан, бундай ҳомийлик 70-75 фоиз тўлов эвазига амалга ошайтганлиги фойдали эди. Айтилик, 100.000 сўм пул ўтказиш учун 75.000 сўм нақд пул тўлаш кифоя эди. Шу тариқа 1.168.000 сўм пул талабаларнинг контракт тўловлари учун ўтказиб берилди. Эвазига олинган салкам 1.500.000 сўм пулни эса Ёркиной қабул қилиб олди.

Худди шундай ёрдам Тошкент давлат темирйўл муҳандислари институти талабаларига ҳам кўрсатилди. Жами 1.786.000 сўм маблағ контракт тўловлари учун ўтказиб берилди. Эвазига 1.500.000 сўм нақд пул олинди.

Мушкуллари осон бўлган талабалар жуда хурсанд бўлишди. Лекин банкда ўтказилган тафтишда аниқланишча, уларга ўтказилган маблағлар банкнинг коммунал тўловлар учун мўлжалланган махсус ҳисоб-рақамидан ўтказиб берилган, олинган нақд пул эса банкка кириш қилинмаган экан. Бу пуллар ушбу уюшган тўда вакиллари томонидан ўзлаштирилганлиги маълум бўлди. Воситачилик қилган Ихтиёр Хўжаев ва Абдуғаффор Абдукаримовларнинг ҳам айби фош бўлиб қолди.

Д.Шукuroва (хуқуқшунос, фуқаровий даъвогар):

— Чилонзор тумани прокуратураси ўтказган текширишда жами 5.188.000 сўм пул бир марталик тўлов асосида коммунал тўловлар учун мўлжалланган ҳисоб-рақамидан ўтказиб юборилганлиги аниқланди. Ушбу пуллар қонуний равишда талон-тароҳ қилинган.

Ёркиной Химматова:
— Менга пулларни Ихтиёр олиб келиб берди. Уларни тўлиғича Озода опага берганман. Ўзимга олиб қолмаганман. Фақатгина 2004 йилнинг баҳориди тўйга зарур бўлганлиги учун умумий ҳисобда 550.000 сўм олдим, холос.

О.Асқаралова:

— Ёркиной пулларни олмаганман деб ёлгон кўрсатма берди. Коммунал тўловлар ҳисоб-рақамининг паролини ҳамма билар эди. Шу билан ҳозир қайси парол орқали пуллар ўтганлигини аниқ айти олмаймам. Ёркиной пул тўғрисидаги маълумотларни компютерга кириштиб, мемораларни ордерларни чиқариб берганлиги рост...

Айбдорларнинг айбини бир-бирига тўнкашга бўлган уринишини дўппи тор келганда югуртилаб қоладиган одамнинг ахлоғига менгзаш мумкин. Хуллас, суд адолатли ҳукм чиқарди. Айбдорлар тўлиқ жазого тортилдилар.

И.БОЗОРОВ,
Чилонзор туман прокуратураси терговчиси



FUTBOL



КИЧКИНА ЮТУҚДАН КАТТА ҒАЛАБА САРИ

ОХ, ҒАЛАБА! МУНЧА ТОТЛИСАН!

Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоасининг 17 август кuni Кувайтни мағлуб этгани ҳақида жуда кўп гапирилди, ёзилди. Биласизми, севимли жамоамиз ҳар доим ютаверса яхши-ю, лекин ютмай-ютмай, охири ғалабани ниҳоятда соғинган пайтингиз ютиб сизни қувонтирса, унинг лаззати бошқача бўлар экан. Шу сабабдан ўша соғинилган ғалаба тўғрисида ким қанча кўп гапирмасин, бу ҳеч кимга малол келмади, аксинча, ватанини севган ҳар бир футбол ишқибози ундан такрор-такрор завқ олаверади, ҳар эшитганда лаззатланаверади... Ҳақиқий муҳлис шундай бўлади-да: жамоаси ютқизса қуонади, ютса суюнади. Ҳеч қачон жамоасини ёлғиз қолдирмайди.

3 СЕНТЯБР. ТОШКЕНТ. БИЗНИ ҒАЛАБА КУТАЯПТИ!

Кун тиккага келиб, одатдагидек ғарб томон юз бурар экан, у билан бирга ашаддий муҳлислар ҳам ғурор-ғурор марказий стадионимиз сари йўл ола бошлади. Уларнинг сони ҳар галгидан кўра кўпроқ эканлиги балки сизнинг ҳам эътиборингизни тортқандир? Нима бўлгандаям, меҳмонларимиз — Бахрайн терма жамоаси аъзолари ўша кун «Пакхатчор»ни тўлдириб ўтирган олти миш минг муҳлисни қўриб, бүгун биз ўн бир эмас, ўн икки ўйинчиға қарши тўп сурарканмиз деб ўйлаган бўлсалар ажаб эмас. Аслида ҳам шундай бўлди, одатда ашаддий муҳлислар жамоанинг ўн иккинчи футболчиси ҳисобланади.

КУТИЛМАГАН БОШЛАНИШ

Ўзбекистонлик муҳлислар терма жамоамизнинг асосан 2-таймда «жонланишига» кўп бор гувоҳ бўлган ва шундай бўлишига деярли ўрганиб қол қолмишган эди. Шу боис ўйиннинг 10-дақиқасидаёқ ҳисобнинг очирилиши уларни бир томондан ҳурсанд қилган бўлса, яна бир тарафдан ажаблантирди ҳам. Аммо бироз афсусланарлиси шундаки, термаиз сардори Миржалол Қосимов киритган чиройли гол, келин билдикли, учрашувдаги ягона гол бўлиб чиқди. Тўғри, бахрайлик Али Ҳасаннинг дарвозаси Сервер Жепаров томонидан яна бир марта ишғол қилинган эди. Япониялик бош ҳакам Тошимасу Йошида эса Сервернинг пеналтидан киритган ушбу голини инобатга олмади...

МУҲИМ ЎЙИНДА БОЙ БЕРГАНЛАРИМИЗ

Матч бирданди иккита телеканалимиз орқали кўрсатилгани бу ўйиннинг нақадар муҳим эканлигини кўрсатувчи далиллардан биридир.

Футболчиларимиз эса унинг аҳамиятини

тўла англаган ҳолда тўп суришганига асло шубҳа қилмаймиз. Бироқ уларга омад етишмади, ё Бахрайн деанлари биз ўйлагандан кўра кучлироқ чиқиб қолдимиз, ишқилиб ўтган галгидек ўйин намойиш қила олишмади. Бу фикр бизда, эҳтимол, йигитларимиздан Кувайтга қарши ўйиндагидек ўйин кутганимиз, лекин унақа ўйин кўра олмаганимиз тўғрисида тўғилгандир... Ҳар нима бўлганда ҳам жамоамиз 2 ё 3 тўп фарқи билан рақибни енгиши мумкин эди. Бунга бемалол кучи етарди. Афсус, қўллаб қўлай вазиятлар бой берилди. Биргина Анвар Солиев иккита жуда аjoyиб имкониятдан фойдалана олмади. Бир гал ўйинг оёғи тўпга тегмай кетган бўлса, яна бир вазиятда яқин масофадан тепган тўпни анча баянладан кетди. Биринчи тайм охирида Карпенко ўрнига майдонга тушган ўнг қанот ярим ҳимоячиси Владислав Киран эса муҳлисларни роса хуноб қилди. Унинг терма жамоага лойиқ эмаслиги яна бир бор ўз исботини топди. Бошқача айтганда, ҳар доимгидек, у майдонга тушди-ю, «ўнг қанотимиз синди»...

КИЧИК ҲИСОБ — КАТТА ҒАЛАБА (БЎЛИШИ МУМКИН)

Ўзбекистон-Бахрайн ўйинида футболимиз фахри урган гол муҳлисларга ўртача қувонч бахш этди. Лекин ишонинг, 1:0 ҳам биз хоҳламаган натижа эмас. Боя чеккан афсусларимиз эса бизнинг йирикқоқ ҳисобдаги ғалабани кутишимиздан эди, холос. Яъни, 2:0 ми ёки 3:0 ми... Аммо кичик ҳисобдаги ютуқ ҳам оқибатда жуда катта ғалаба бўлиб чиқиши мумкин. Биз шунга умид қиламиз. Ўйлаймизки, юртдошларимиз Бахрайдан ана шундай ғалаба билан қайтишади.

ФИФА ҚАРОРИ

Юқорида ўйин пайтида япониялик ҳакам Тошимасу Йошида йўл қўйган қўпол хато хусусида гапириб ўтган эдик. Ушбу ҳолат бўйича Ўзбекистон футбол федерацияси ФИФАга шикоят ёзган. Кучи кенча интернет орқали тарқатилган хабарда айтилишича, ФИФА ўйин натижасини бекор қилган. Энди футболчиларимиз 8 октябр кuni Тошкентда, 12 октябр кuni эса Манамада бахрайликларга қарши майдонга тушади. Тошимасу Йошидага нисбатан ФИФА томонидан жазо чораси қўрилиши кутиляпти. Нима ҳам дердик, шунақаси ҳам бўлар экан.

Бўлажак ўйинларда йигитларимизга миллионлаб муҳлислар номидан муваффақият тилаймиз. Ўзбекистон миллий терма жамоаси Германияда ўтказиладиган жаҳон чемпионатидаги бериладиган йўлланма учун КОНКАКАФ вакилига қарши тўп суришига айнан ўзи муносиб эканлигини исботлай олишига ишонамиз.

Элмурод БАШОНОВ



FAXRIYLAR FAXRIMIZ

Прокуратура фахрийси, 40 йилдан ортиқ прокуратура органларида қонунчилини мустаҳкамлаш, ҳуқуқ-тартиботни ривожлантириш ишида самарали меҳнат қилган Маргарита Газарова 75 ёшга тўлди.

Тадаррук ёшингиз мудорак!

Маргарита Газарова 1930 йил 30 сентябрда Тошкент шаҳрида таваллуд топди. 1952 йилда ўрта мактабни аъло баҳоларга тугатиб, 1953 йилда Тошкент давлат университетининг ҳуқуқшунослик факультетига ўқишга кирди. Ўқишни муваффақиятли тамомлаб, дастлабки иш фаолиятини Қўқон шаҳар прокуратурасида терговчиликдан бошлади. Орадан кўп ўтмай у пойтахтга — тугилиб ўсган шаҳрига келди. Мирзо Улуғбек туман прокуратурасида терговчи лавозимида иш бошлади. Ўзига юклатилган ҳар қандай вазифага тиришқоқлик билан ёндошиши ва адолат юзасидан иш юритиши жамоада ўз ўрнини топишига сабаб бўлди. 1970 йилдан Тошкент шаҳар прокуратурасининг бошқарма катта прокурори бўлиб ишлади. Адолатпарварлик, ҳушфезлик, юқори профессионализм ва атрофдагилар билан тил топиши ҳамкасблар ва шогирдлари орасида ҳурмат уйғотди.

Тошкент шаҳар

прокуратурасидаги

кўп йиллик фаолияти давомида қонун устуворлиги, ғуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонун билан ҳимояланган давлат ва жамият манфаатларининг таъминлишида ҳамда ёш прокуратура ходимларини тарбиялашда Маргарита Газарованинг ҳиссаси бекиёсди.

Онаҳон нафақада бўлса-да, қўни-қўшинлар ва яқинларига ўз маслаҳатлари билан ёрдам бериб келмоқда.

Фурсатдан фойдаланиб Маргарита Газаровани кўтлуг 75 ёши билан қўтаймиз. Мустаҳкам соғлиқ, узоқ умр ва оилавий бахт тилаймиз.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси ва фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги маркази



QATNA

Ёмғир ёғишини яхши кўраман. Борлиқ билан бирга қалбим, бутун вужудим муаттарлини кетаётгандек бўлади гўё. Юз-қўзинг аралаш оқаётган томчилар ҳаёт сўзидек хуш ёқди тананга. Тўп-роқ ҳиди, ивиған доғ-дархатлар ҳиди-алан-чук тоғли, қўнғилинги қай-сидир қатларидан қолиб кетган бегубор тўйнуларни ёдга солади. Осмон қадар уларнинг қўнғилин ҳақирлиқларига дош беролмай қоласан. Елкангиз босиб турган маҳзун ҳорғинлик-да ёқимли.

Тўйиб-тўйиб хавониси-кагинг, олам гўзалликларидан бахралгинг келади. Инсонга инъом этилган тўрт фаслинг мўъжизалари мунчалар фусункор. Олам мунчалар гўзал...

Инсон тани-соғлиқ ва яшашнинг қадрини бемор бўлгандагина англаб етар экан. Шифохонанинг доридармон ҳиди ақиб турган хонасида шифта термулиб ётган беморлар дилида бир истак жо бўлади, у ҳам бўлса тезроқ тугалиб кетиш.

Ташқарида шовуллаётган дархат, ўз ташвишлари ҳақида гурунлашиб кетаётган йўловчилар, йўлда шаллолатиб-латта юваётган фаррошлар ҳам бахтлидек туюлади уларга. Чўнки беморларда йўқ нарса, фалон сўмлик доридармонлар билан ҳам тикланмаётган тани-соғлиқ, яшаш бахти бор

улarda.

Касалхонада ётган кезларим шунинг англадимки, доридармонлару, шифокорларнинг ёрдамидан ташқари инсоннинг ўзида ҳам яшаш олим ички бир иштиёқ бўлиши лозим экан.

— Қароватимни дераза олдиға қўйиб берингла, — дердим ҳамшираларга.

— Нега?

— Қўёш билан видолашиб қолмай.

Шу ҳолда тушқунликка тушганга тобора уфқни қизилқон

ми ўзи?

— Ҳа.

— Унда курашинг. Мен тузалайман деб ўзингизни ишонтиринг. Юзга кирмай, бахтли бўлмай ўлиш йўқ дег...

Кулгим киятарди. Шу билан бир нарса ўзгарарми-дў? Йўқ, ўзгараркан. Ўзгарганда ҳам худди мўъжизадек. Ростдан ҳам ичимда бир нур пайдо бўлгандек бўлди. Шу нурмени оёққадақтирди, умид уйғотди, касалхонадан чиқишимга ёрдам берди.

Демак

соғлом бўлиш,

ҳар қандай вазиятда ҳам

Яшаш завоқу

йўл топиб, ҳаёт завқидан баҳра олиб яшаш ўз қўлимизда экан. Ахир, Аллоҳнинг инсонга инъом этган энг булук тухфаси тириклик эмасми? Қўл-оёқсиз бўлса-да, тили билан расм чизаётган, кўзалари кўрмасида, шеърлар ёзиб, ундан завқ олаётган инсонлар озим дунёда? Улардаги ирода, яшашга бўлган иштиёққа тан бермай иложинг йўқ.

Дунё ўткинчи. Шу билан бирга унинг ташвишлари ҳам. Ҳаёт икки-чакирларидан тушқунликка тушиб, дунё кўзига қоронғу қўриқайдиган инсонларга «Ҳаётни севинг. Табиат гўзалликларидан баҳра олинг. Ахир яшаш завқидан буюроқ бахт бор эканми?» дегим келади.

Гулрух ЁРМАТОВА

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин!

Республика Бош прокуратураси жамоаси ҳамда фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги маркази прокуратура фахрийси **Максим АЛБЕКОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор этади.

Андижон вилоят прокуратураси жамоаси прокуратура фахрийси **Максим АЛБЕКОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ҳамдардлик билдиради.

Республика Бош прокуратураси жамоаси ҳамда фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги маркази прокуратура фахрийси **Ҳожира хон ҚИРМЗОЕВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор этади.

HUQUQ

юрidik gazeta

To'sischi:

O'zbekiston
Respublikasi
Bosh
prokuraturasi

Bosh muharrir:

Abdullolliq ABDURAZZOQOV

Tahrir hay'ati:

Bahridin VALIYEV, Pirimqul QODIROV, Jahongir SHAROFBOYEV
(Bosh muharrir o'rinbosari vazifasini bajaruvchi), Fozil MAMASHARIPOV
(mas'ul kotib vazifasini bajaruvchi), Lola SHOMURODOVA

Tahririyat manzili:

Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 133-82-34,
133-64-72.
E-mail: Info@huquq.uz.
Faks: 133-64-85, 133-10-53.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 023-raqam bilan ro'yxatga olingan. Nashr ko'rsatkichi — 231,232

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egalariга qaytarilmaydi. Mualliflarning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin. Nashrimizdan ko'chirib bosilgan «HUQUQ» dan olinganligi ko'rsatkichi shart. Tjorat ahamiyatiga molik materiallar belgisi ostida chop etiladi.

Buyurtma — 860, 12584 nuxxada chop etiladi. Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.

Novbachi muharrir: Sh.YODGOROV
Musahhirlar: A. MUSTAFOYEVA

Gazeta «Sharq» NMM boshmaxonasida ofset usulida chop etiladi. Korxonalar manzili: Toshkent shahar, Buyuk Taron ko'chasi, 41-uy.

Boshmaxonaga topshirish vaqti: 20.00. Topshirildi: 17.30. 1 2 3 4 5 7 8

Gazeta
haftaning
chorshanba
kunlari
chiqadi.

Sotuvda
erkin narxda